

Тадбиркорларга кенг имконият яратиб бериб қўйгани боис турмушимизга ҳам фазил кирди. Ҳар қадамда савдо дўкони, чойхона, ошхона, худди шаҳардагидай шароит.

«Шарқ тонги»да аҳиллик ва уюшқоқликни, иш ва сўз бирлигини кўрдик. Буни шу жойда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро эътироф этади.

Болани ҳаддан ташқари талтайтириш ёхуд унга нисбатан ўта даражада қаттиққўл бўлиш ҳам мумкин эмас. Тарбияда мувозанатни тўғри тута билиш керак.

Маҳалла

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 7 октябрь. Пайшанба

1996 йилдан чиқа бошлаган

ISSN 2010-7013

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Мамакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Қорақалпоғистонда жорий йилнинг биринчи ярмида яли ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 9,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш 16,9 фоиз, хизмат кўрсатиш 12,4 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ортди.

Иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгариштириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт микродори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоиз ўсиши таъминланди. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор, яратилаётган ташкилий-

ҳуқуқий шарт-шароит ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Президентимиз Ислам Каримов Кеғейли туманидаги «Давлат» фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар, ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди. Юртбошимиз мураккаб экологик шароитда яшаб, меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон халқининг иқтисодий-иқтисодий барча соҳаларида, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликда эришаётган ютуқларига юксак баҳо берди. Давлатга пахта сотиш шартнома-мажбуриятини биринчилардан бўлиб бажарган Оролбўйи миришкорларини самимий табриклади.

Президентимиз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тўхталар экан, таъминот масаласига яна бир бор эътибор қаратди.

— Деҳқонга зарур шароит яратиб бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади, — деди Ислам Каримов. — Уруғлик, ёқилғимойлаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Айниқса, Қорақалпоғистон шароитида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учрашувда қорақалпоғистонлик фермерлар қишлоқ аҳлига кўрсатаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

— Мамакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган эътибор ютуқларининг асосий омили бўлаётди, — деди Эликкальва туманидаги «Фарҳод Қўшназаров» фермер хўжалиги раҳбари Халила Қўшназаров. — Деҳқончилик мадани-

яти йил сайин юксалиб бормоқда. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар ҳосилдорликни ошириш имконини бераётди. Кеғейли туманида иқтисодий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, банк тизimini тақомиллаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз сувсизликка чидамли, эртапишар пахта навлари устида чуқур илмий изланишлар олиб бориш, уларни Қорақалпоғистон шароитида районлаштириш юзасидан тавсиялар берди. Давлатимиз раҳбари халқимизнинг турмушини янада яхшилаш, қишлоқларимиз кифасини ўзгариштириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталар экан, бу борада барча тоифадаги раҳбарлар масъулиятини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— Мақсадимиз биз кураётган ҳуқуқий-демократик жамиятни, яъни адолатли давлатни янада мустақкамлашдан иборат, — деди Президентимиз. — Бунинг учун жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Бу назоратни тўғри йўлга қўйса, шу йил 20 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган яли мажлиси миқдорида айтган мақсадларимизга албатта етамиз.

(Давоми 2-саҳифада)

ЗАМОНАВИЙ ВА ГЎЗАЛ ГУЗАРЛАР



Маҳалла марказлари

Маҳалла ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бугунгидек эътиборга сазовор бўлган эмас. Мустиқлик йилларида унинг қадри, нуфузи ортди. У обод ва гўзал бўлиши билан бирга миллий удумлар, урф-одатлар ва анъаналар шаклланган маскан сифатида алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекнинг бирор бир тўй-ҳашами, маросим ва маъракаси, ҳайит ва сайили, ҳашари, катта-кичик ишлари маҳалласиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа жамоатчилик фикри шаклланади. Одамларни ўзаро меҳр-оқибат-

ли, саховатли қилиб тарбиялашда, ўзига хос жамоани шакллантириш ва мустақкамлашда унинг аҳамияти беқиёс.

Айни кунларда пойтахт маҳаллаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилаётди. Кўча ва майдонлар, хиебон ва гузарларнинг тоза ва озодалигига маҳалла фаоллари ва кайвони-

лари бош-қош бўлмоқда. Бу тадбирнинг оммавий тарзда ташкил этилиши ёшлар қалбида миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат ва садоқат туйғуси шаклланишига хизмат қилади, албатта.

Маҳаллалар ҳудудда бири бирдан гўзал бино ва иншоотлар, манший хизмат кўрсатиш ҳамда савдо шохобчалари, тўйхона намунавий

лойиҳалар асосида бунёд этилаётган тураржойлар сони йилдан йилга ортиб бораётгани қувонарлиқдир. Бундай мажмуалар, шак-шубҳасиз, маҳаллалар кўрмага кўрк қўшиш билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳам замин яратяпти.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ХАЁТ > [2]

Фахр

ҚАЛБ ҚЎРҒОНИ МЕЪМОРЛАРИ

Инсон борки, борлиқни англаш, илм-фан сирларини эгаллашга интилиб яшайди. Бу йўлда барчамиз қўлида маърифат машъаласини кўтарган устоз-мураббийлар кўмагига, беҳимнат ёрдамига таянамиз. Ақлу тафаккуримиз ривож топган сари уларнинг фидойчилиги, сабру матонати, қолаверса, меҳр-муҳаббати қалбимизда устозларга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромни бир умрга муҳрлайди.

Шу боис уларни том маънода қалбимиз кўрғонининг меъмору, деймиш. Яна бир жиҳати дунёни англашда, яхшиликни ёмонликдан, эзгуликни ёвузликдан фарқлашда, қомиллик йўлини танлашда ота-она билан бир қаторда ус-

тозлар ҳам масъул. Айнан улар фарзандларнинг келажакга пойдевор қўйди ва қамолот чўққиси сари бошлаб боради. Уларнинг хизмати ҳар қанча эъзозу эҳтиромга муносиб. Муҳтарам Президентимизнинг 1 октябрь — Ўқитувчи ва му-

раббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табриғида таъкидланганидек: «...кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратяётган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта».

(Давоми 3-саҳифада)

Жамғарма кўмаги

МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА ЁРДАМ

Юртимизда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» ғоясини ўзидан муҳассам этган саховат тадбирлари давом этаётди.

Уларда мамлакатимизда инсон шайги, қадар-қиммати устун экани ва ҳеч бир шахс эътибордан четда қолмаётгани ўз ифодасини тошмоқда. Энг асосийси, ана шундай хайри асий-ҳаракатларга «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги бўлими ва бўлимчалари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётди.

Жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви ташаббуси билан пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 24-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидаги нурунийлар ҳамда 1-сонли «Боалар мурув-вет уйи»да таълим-тарбия олаётган болалар, шунингдек, Ҳамза туманидаги 30-сонли «Меҳрибонлик уйи»да камол топаётган болалар ҳолдан хабар олинди, уларга кийим-кечаклар ҳада қилинди. Бундай хайри ишларини амалга ошириш мақсадида жамғарма томонидан 4 миллион 600 миң сўм сарфланди.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга кўрсатилаётган бундай беғараз ёрдамлар халқимизнинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлигини нишонлади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Маҳалла» муҳбири.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГИЁҲВАНДЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Наркотик моддаларнинг байриқонуний муомаласи бугунги кунда инсоният олдида турган энг жиддий трансмиллий таҳдидлардан биридир. Ушбу долзарб муаммони ҳал қилиш жаҳон ҳамжамияти томонидан изчил равишда ва ўзаро келишган ҳолда иш олиб боришни, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашда кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг байриқонуний равишда муомаласига кириштишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини ижро этишга доимий эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг шу йил 5 октябрда Сурхондарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлиси ана шу масалага бағишланди.

Мажлис Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирил Маҳкамаси ҳузуриндаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази билан бирга қўмитанинг «Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг байриқонуний равишда муомаласига кириштишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини (Вена, 1988 йил 19 декабрь) ижро этиш, ёшлар ўрғинада гиёҳвандликка барҳам бериш борасидаги ишларни ўрганиш натижалари муҳофиза қилинди.

Мажлис асосида сена-

торлар ва депутатлар қайд этилганларидек, мамлакатимизда ва жумладан Сурхондарё вилоятида мазкур халқаро Конвенцияни имплементация қилиш борасида анчагина ишлар амалга оширилди, бу эса наркотик моддаларнинг байриқонуний муомаласига билан боғлиқ жиноятлар ўсишига тўсқинлик қилиш, мана шу борада келириб чиқарадиган омилларга барҳам беришнинг таъсирчан воситаларини яратиш имконини берди. Мустақиллик йилларида наркотик моддаларнинг байриқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида кенг қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, бу соҳада давлат стратегиясини амалга ошириш учун зарур ташкилий инфратузилма яратилди. Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида 1999 йилда

«Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилди, Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси тузилди. Наркотик моддаларнинг байриқонуний муомаласига қарши курашиш мувофиқлаштириш учун наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича минтақавий комиссиялар тузилди. Бу комиссиялар барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқароларнинг наркотик моддалар соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш бўлимида вазифаларини ҳал қилишга қаратилган куч ва имкониятларини йўналтириб ва мувофиқлаштириб бориши керак.

(Давоми 2-саҳифада)

2010 йил — Баркамол авлод йили

ДЎСТЛИК ВА КАМОЛОТ БАЙРАМИ

Шу йилнинг 17-21 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида «Талабалар фестивали — 2010» ўтказилади

Президентимиз Ислам Каримов жорий йилнинг 30 август куни Бухоро шаҳрида барпо этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументининг очилиш маросимида юртимизда маънавий ва маданий ҳаётни янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар соғлом ва мустиқлик фикрли, кенг дунёқарашга эга, ватанпарвар ва фидойий ёшларни тарбиялашга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан жорий йилнинг 17-21 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида ўтказиладиган «Талабалар фестивали — 2010» байрами ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фестивалнинг Бухоро шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Бу ерда сўнгги пайтларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, жумладан, Ватанимиз муста-

қаларига ютуқларга эришган 200 нафар фаол ва изланувчан йигит-қиз иштирок этган эди. Мазкур фестиваль ёшларимизни мустақилликни мустақкамлаш, юртимизни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, истиқлол берган неъматларнинг қадрига етишга, Ватанимиз тараққиёти йўлида янада жиқлаштиришга даъват этади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия, маънавий, ижтимоий муҳофиза, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга пухта таълим бериш, эзгу орзу-интилишларини рўйбга чиқариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда эзгу мақсадларга йўналтирилган.

(Давоми 2-саҳифада)

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Юртбошимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришилган оламшумул ютуқлар ҳиссида, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатнинг генофондини яхшилаш, соғом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган юксак самаралар тўғрисида сўз юритди. Истиқлол йилларида одамларнинг умр ўртача умр кўриши 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга етгани ана шундай самаралардан.

Президентимиз Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланганини, қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайганини, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоқ заминидagi учрашувда бу долзарб

масалага яна бир бор эътиборни қаратди.

— Орол тақдири — миллион-миллион инсонлар тақдири демекдир, — деди Ислам Каримов. — Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур.

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, қорақалпоғистонлик олим Файратдин Хўжаниёзов, Қорақалпоғистон Республикаси деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири Узоқбой Айтжонов, Нукус шаҳридаги 1-академик лицей ўқитувчиси Пошшагул Камолова ва бошқалар Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари КеҒейли тумани Халқобод шаҳарчасидаги гушти қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишди.

«КеҒейли бўян» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси қошида

ташкил этилган, аҳолига 30 хилдаги колбаса маҳсулотлари етказиб бераётган мазкур кичик корхона ишга туширилиши муносабати билан 25 киши доимий иш билан таъминланди. Корхонага хоржий инвестиция ҳисобидан замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Бу ерда кунига 4,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Компьютерлар ёрдамида бошқарилаётган ишлаб чиқариш технологияси, асосан, ёшлар томонидан юритилмоқда.

Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам етказиб берилаётган. Корхона таъсисчиси — «Абил-бон» фермер хўжалигида айни кунларда бўрдоқчилик комплекси барпо этилмоқда.

Президентимиз Нукус шаҳар марказий майдонда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланмоқда. Шаҳар

марказидаги майдонда барпо этилган яшил майдон ва унга кўрк бағишланган олти фаввора Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлади. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожига, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз шаҳар марказий майдонининг умумий кўринишига монанд замонавий меъморий услубда бунёд этилган Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорни Кенгешининг янги биносини кўздан кечирар экан, ушбу майдон ва унинг атрофидаги бинолар бир-бирига ўй-ғун, муайян маъно-мазмунга эга яхлит композиция ташкил этганини таъкидлади. Майдонга маҳаллий турроқ ва иқлим шароитига мос дархат кўчатлари ўтказилиш, ландшафт дизайни устида янада пухтароқ ишлаш юзасидан тавсиялар берди.

Тошкент ахборот технологиялари университетидаги Нукус филиалида талабалар бугунги кунда тўрт йўналиш бўйича замонавий

таълим стандартлари асосида илмфан сирларини ўрганмоқда. Университетнинг янги ўқув биносига талабалар учун барча қулайликлар яратилган.

Президентимиз мазкур билим даргоҳида бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди. Юртбошимиз ахборот асри деб номланган XXI асрда ҳаётни информацион технологиялар билан таништириш бўлмаслигини, қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти билан дунёга янада фаолроқ чиқиши, бошқалардан кам эмаслигини исботлаши лозимлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар замирида инсон манфаатлари мужассам экани Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Олим ТўРАҚУЛОВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
Ўза махсус мухбирлари.



Республикамиз маҳаллаларида ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧЛАР ЎРНАТИЛДИ

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Иттифоқ» маҳалласида жойлашган барча хонадонларга хорижда ишлаб чиқарилган замонавий электр ҳисоблагич ускуналари ўрнатилди.

— Янги ускуна ўрнатилганидан сўнг коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириш борасида яхши натижаларга эришидик. Яна бир муҳим жиҳати шуки, янги ҳисоблагичда коммунал тўловларни пластик карточка билан тўлаш

имкони бор, — дейди маҳалла оқсоқоли Гуломқодир Юнусов.

Кувонарлиси, айни пайтда туман электр тармоқлари корхонаси маҳаллалардаги хонадонларга янги ҳисоблагичларни бепул ўрнатиб берапти.

Шу йил охиригача тумандаги яна бир маҳаллага ана шундай янги ҳисоблагичлар ўрнатиш кўзда тутилган.

У. САКСОНБОВ,
«Mahalla» мухбири.

ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ

Жиззах шаҳридаги «Оққўрғонлик» маҳалласида Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров ҳамда фалолар ташаббуси билан замонавий савдо маркази қурилиб фойдаланишга топширилди.

Эндиликда маҳалла аҳли шу ернинг ўзидан кундалик эҳтиёж молларини харид қилишга эришди.

бундай қулайликдан мамнун. Шу муносабат билан маҳаллада хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбир сўнггида ҳомийлар томонидан 120 нафар кам таъминланган оилага ҳамда 30 нафарга яқин қарияга совға-саломлар улашилди.

А. ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви ҳамда Термиз шаҳар бўлими ташаббуси билан яна бир хайри ишга қўл урилди.

Шаҳардаги «Наврўз» маҳалласида истиқомат қилаётган Холбека Шарипов, Сайдоим Исоев, «Байналмилал» маҳалласида яшовчи Ойбахор Поёнова, «Фарҳод» маҳалласида яшовчи Қодир Кичимов, Раъно Узоқова номидagi маҳаллада яшовчи Шерали Ёқубова бир бош-

дан қорамол ҳада қилинди. Шунингдек, «Байналмилал» маҳалласида истиқомат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилаларнинг 7 нафар фарзандининг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Жамғарма ҳамда ҳомийлар томонидан кўрсатилган бундай ғамхўрликлардан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар мамнун бўлишди.

Н.МУҲАММАДИЕВ

ТОШКЕНТЛИК КЕЛИН-КУЁВЛАР САМАРҚАНДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан никоҳ тўйлари бўлиб ўтган тошкентлик келин-куёвлардан юз нафарининг Самарқандга сафари уюштирилди.

— Самарқанд чиндан ҳам гўзал шаҳар эканига яна бир бора тавоқ бўлдик, — дейди келинлардан бири Севара Шофайзиёва. — Бизларда, айниқса, Амир Темур мақба-

раси, Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда мажмуаси, Мирзо Улуғбек расадхонаси сингари қадимий обидалар катта таассурот қолдирди.

Меҳмонлар, шунингдек, Тошкент, Бўстонсарой, Мирзо Улуғбек, Беруний кўчаларида замонавий шаҳар соҳили андозалари асосида қурилган гўзал иморатларни ҳам томоша қилишди.

Мухбиримиз.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГИЁҲВАНДЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Наркотик моддаларнинг вайриқонуний муомаласига қарши кураш самарадорлигини оширишда кўп жиҳатдан давлат органларининг идораларо ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳам икки томонлама, ҳам кўптомонлама халқаро ҳамкорликни фаол ривожлантириш ёрдам берди. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни ушбу трансмилли таҳдидга қарши фоят фаол ва изчил курашиб келаётган мамлакатлардан бири деб ҳисобламоқда.

Сенаторлар наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш доимий эътибор талаб қилишини, бу курашга жалб этилган барча тузилмаларнинг куч-қайратларини сафарбар этишни, жамоатчиликни фаол жалб қилишни тақозо этганини таъкидладилар. Ушбу фаолият соҳаси доимо ҳақ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ва уларнинг доимий комиссиялари диққат марказида турмоғи зарур. Маҳаллаларда, айниқса ёшлар,

умумтаълим мактабларининг, академик лицейларининг ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари, олий ўқув юрталарининг талабалари ўртасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг маърифий-тарбиявий ишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу йўналишда биргаликда олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Муҳокама якуналари бўйича қўшма қарор қабул қилиниб, унда бу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли идоралар ва тузилмалар учун аниқ тавсиялар белгилаб берилди.

Мажлис ишида сенаторлар, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши тегишли доимий комиссияларининг раислари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(Ўза)



ЗАМОНАВИЙ ВА ГЎЗАЛ ГУЗАРЛАР

< 11

Собир Раҳимов туманидаги Беруний номи маҳалла пойтахтининг обод гўшаларидан бири. Маҳалладаги 500 та хонадонда 2350 нафар аҳоли истиқомат қилади. Битта мактаб, битта болалар боччаси ва тўртта маърифий хизмат кўрсатиш шохобчаси аҳоли хизматида. Яқинда бу ерда маҳалланинг янги гузари очилди. Янги гузар ўзининг муҳташамлиги, кўркамлиги билан ажралиб туради. Гузарда аҳолига маърифий ва тиббий хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик марказлари учун барча шароитлар яратилган. Шу билан бирга тантаналар ўтказиш учун ҳам махсус жой ажратилган. Энг муҳими, гузарда маҳалланинг бир неча ёшлари

учун янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари маҳалла ҳудудида спорт майдончалари ташкил этилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ўсмирлар ва оилавий спорт мусобақаларининг барчаси худди шу ерда ўтказилди. Футбол майдонида эса маҳалланинг турли ёшлар билан бирга тантаналар ўтказишда мусобақалар ўтказилиб турилади.

Мазкур тумандаги «Аллон» маҳалласи маркази бундан бир неча йил илгари қад ростлаганида аҳоли мамнун бўлган. Утган йиллар давомида марказ фуқаролар манфаатларига хизмат қилаётган, уларнинг оғирини енгил, узояни яқин эътидан масканга айлади.

— Аслида марказ одамлар-

нинг мушкуллини осон қилиш, муаммолари, бошланган хайрли ишларига қўмақлашиш, оилалар осойишталигини сақлаш, хонадонларда соғом маънавий муҳитни қарор топтириш мақсадида бунёд этилган, — дейди оқсоқол Сайфулла Болтабоев. — Маъмурият тиклашда тадбиркорлар ҳиммати, қолаверса, фалоларнинг яқдрилиги, ҳамжиҳатлиги кўл келди. Марказда ҳодимларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Марказда 191-сонли милиция таянч пунктининг фаолият кўрсатилгани ҳудудга турли хил жиноятлар содир этилиши ҳамда тартиббузарлик ҳолатларининг олдини олишда кўл келаётган.

Р.ШЕРҚУЛОВ.

2010 йил – Баркамол авлод йили

ДЎСТЛИК ВА КАМОЛОТ БАЙРАМИ

Шу йилнинг 17-21 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида «Талабалар фестивали – 2010» ўтказилди

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Фестивалда юртимизни янада раванг топтириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистонимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузини мустаҳкамлашда иқтидорли ва етакчилик салоҳиятига эга ёшлар, ёш олим ва тадқиқотчиларнинг ҳиссаси, мақсад ва вазифалари атрофида муҳокама этилади. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 500 нафар талаба-ёшларнинг иштирок этиши кўзда тутилган. Фестивал доирасида долзарб мавзуларда конференциялар, маҳорат сабоқлари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловлар, маданий-маърифий тадбирлар, концерт ва кўргазмалар, соғломлаштириш акциялари, спорт мусобақалари ўтказилди.

«Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли» мавзусидаги конференцияда эркин демократик жамият барпо этишда йигит-қизлар фаолигини ошириш, бунда олий таълим муассасалари ва турли жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ёшларда Ватан тақ-

дири учун дахлдорлик ҳиссини куяйтиришга оид амалий тадбирларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга доир долзарб масалалар атрофида муҳокама этилади.

«Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш» мавзусидаги конференцияда эса юртимизда ёш олимлар ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илгор изланиш ва ташаббуслари, гояларини амалиётга татбиқ этиш учун кўмаклашишга оид масалалар кўриб чиқилади. Айни пайтда етакчи ёшлар учун ўтказилган семинар-тренингда ёшларга оид қонунчилик, иш юритиш ва ёшлар билан ишлашнинг илгор услублари ҳақида иштирокчиларга атрафлиқча тушунча берилди.

Фестивал доирасида ташкил этиладиган кўргазмада ёшлар таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, бу борардаги юртимиз ва жаҳон тажрибаси, талабалар учун эълон қилинаётган миллий ва хорижий грантлар, талабалар ва ёш олимлар ўртасида ўтказилаётган танловлар, илмий конференциялар ҳақида тўлақонли маълумот олишлари мумкин.

Камолот, заковат ва дўстлик байрамига айланади-

ган ушбу фестиваль доирасида «Соғом турмуш тарзи — ёшларни уйғун камол топтириш гарови» мавзусида саломатлик акциясини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Акция доирасида югуриш ва велоспорт мусобақалари, гиёҳвандлик, хавфли юкуми касалликлар ва бошқа турли иллатларнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

«Талабалар — олтин даррим менинг» мавзусидаги мусиқали байрам кечаси, «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови, ёшлардаги етакчилик қобилиятини юзага чиқаришга қўмаклашувчи маҳорат сабоқлари иштирокчи йигит-қизларнинг турли фанлар ва санъатга оид интеллектуал ва ижодий салоҳиятини синовдан ўтказиш имконини беради.

Тадбир иштирокчиларини Бухоронинг тарихий обидалари, меъморий ёдгорликлари, истиқлол йилларида барпо этилган мажмуалар, монументлар, маданият ва санъат қосноналари билан таништириш мақсадида ташкил этиладиган экскурсия ҳам фестивалга янада ёрқинлик бахш этиши шубҳасиз.

Назокат УСМОНОВА,
Ўза мухбири.

«ЎЗМЕДЭКСПО-2010» КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар залида «Ўзмедэкспо-2010» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Кўргазма Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга янада чуқураштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармонга аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасидаги кенг қўламли ислоҳотларнинг жорий этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши натижасида аҳолига тиббий профилактика ёрдами кўрсатишга ихтисослашган бирламчи шифо масканларининг моддий-техник базаси ривожланиб бораётган.

Мамлакатимизда шунингдек тиббий ёрдам кўрсатиш ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолияти тораба такомиллашмоқда. Она ва бола соғлигини асраш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкам-

лаш, оилаларда соғом фарзандлар туғилиши ва камолга етишини таъминлашга оид кенг қўламли чора-тадбирлар дастурлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жаҳон тиббиётининг энг янги технологиялари асосланган замонавий диагностика ва даволаш воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бунда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ўзмедэкспо» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмасининг ҳам ўз ўрни бор. Бу йилги кўргазмада Россия, Беларусь, Германия, Польша, Хиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари каби хорижий давлатлардан қатор етакчи фармацевтика компаниялари иштирок этмоқда.

Кўргазмада маҳаллий фармацевтика компанияларимиз маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилган. Улардан бири — «Ўзкимфарм» очик акциядорлик жамиятида айни пайтда тиббиётнинг барча соҳаларида қўлланиладиган сак-



сон турдан кўпроқ дори-дармон ишлаб чиқарилмоқда. Юртимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, истеъмолчиларни маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган дори-дармонлар билан таъминлаш, тармоқда сифат ва самарадорлиқни оширишга қаратилаётган эътибор корхона фаолиятини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини замонавийлаштириш имконини бермоқда. Ҳозирги кунда жамиятнинг ампула дорилар ишлаб чиқарадиган цехига 1,5

миллион доллар қийматдаги янги линия ўрнатилмоқда. Бу маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга хизмат қилади.

Кўргазмада мамлакатимиз ва жаҳон тиббиётининг ана шундай ўзига хос ютуқлари, диагностика ва даволаш технологиялари, стоматология жиҳозлари кенг намойиш этилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ўза мухбири.

Фахр

ҚАЛБ ҚЎРҒОНИ МЕЪМОРЛАРИ

< [1]

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан аҳамиятлидир. Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган, жаҳон таърибасида «Ўзбек модели», деб эътироф этилган, миллий анъаналарга ва илгор хорижий аъзолаарга асосланган малакали кадрлар тайёрлаш тизими ўзининг кенг қамровлиги билан бугунги кунда мамлакатимизнинг ёрқин келажигини қуршида ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Ушбу тизим, биринчи навбатда, юксак маънавиятли, ўзининг мустақил фикрига эга, замонавий билим ва технологияларни ўзлаштиришга қодир тарбиялаш баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини яққол намояндалаштирмоқда. Қолаверса, бу фарзандларимизнинг баркамол, замонавий билимларини пухта эгаллаш, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши йўлидаги юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ифодасидир.

Шу боис бутунги тинч ва фаровон дийримида ёрув, шинам ўқув масканларида замонавий илгор билимларини ўзлаштириш, касб-хунарларни танлаш имкониятига муяссар

бўлган фарзандларимиз чинакамита бахтли авлоддир. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий таълим муассасаларида ўқил-қизларнинг пухта билим ва тарбия олишлари учун жаҳон андозалари даражасидаги шарт-шароитлар муҳайё этилган, зарур услубий воситалар ва қўлланмалар билан таъминланган. Фақт ва рақамларнинг қўламини ҳам бу борада эришилган ютуқлардан далолат беради. Юртбошимиз табридига келтирилганидек: «...кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 миң 394 та касб хунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 миң 772 та мактаб, ўнаб олий ўқув юрталари янгитдан бунёд этилгани, реконструкция қилингани ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч қўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 миң 200 та болалар спорт объекти барпо этилгани, 278 та мусика ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим».

Яқинда Президентимиз Исоом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик Ривожланиш Мақсадалари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида баён этилган таълим ислохотлари ҳақидаги фикрлари ҳар бир юрдошимизга ғурур, ифтихор бағишлайди. Юртимизда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этиши БМТ Саммити қатнашчиларини ҳайратга солгани аниқ. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич дунёнинг ривожланган давлатларида 3-5 фоиздан ошмаслиги маълум. Ёш авлодга пухта билим, мукамал тарбия беришга оид кенг қамровли ислохотлар ўзида жаҳон ва миллий таълим амалиётининг энг яхши жиҳатларини мужассам этган. Ёшларга 12 йиллик бепул мажбурий таълим беришга доир ушбу тизим босқичма-босқичлиги, кучли ижтимоий йўналтирилгани, халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари, миллий менталитетимизга мослиги, ўзвийлиги ва узлуksизлиги билан ҳам жаҳонда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда. Мазкур тизимнинг инсонпарварлиги яна шундаки, юртимизда миллати ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча учун умумий таълим бепулдир.

Бугунги кунда тараққиётнинг жадал суръатлари, жаҳон илм-фанидagi оламшумул янгиланган ўқитувчининг ўз устиди тинимсиз ишлашини, билим, таъриб ва малакасини мунтазам ошириб боришини тақозо этмоқда. Бошқача айтганда, бугунги ўқитувчи ёшларнинг ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, илгор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўлай олади-

ган ижодкор шахс бўлишини таъминлайдиган, уларни билим чўққилари, юксак маънавият сари олаги интилишга, юксак инсоний фазилатлар соҳиб бўлишга даъват этидиган чинакам устоз бўлмоғи лозим.

Шуни назарда тутган ҳолда, ушбу жараёни жойларда доимий тарзда ташкил этиш мақсадида тизимдаги педагогика ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари қошидаги 168 калфедранинг 1347 нафар профессор-ўқитувчиси 529 та умумий ўрта таълим мактабига доир ушбу тизим босқичма-босқичлиги билан олий ўқув юрталари ўртасида ҳамкорлик дастурлари тузилган. Бу фақт ва рақамлар биргина халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ислохотларга доир, ҳолос. Агар юртимиздаги мактабга таълим, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида олиб борилаётган ислохотлар самараси таҳлил қилинганда бўлса, бунинг қамрови нақадар кенг эканлиги яққол намояндалаштирилади.

Ўсиб келаётган ёш авлодга пухта ва мукамал билим бериш баробарида уларни Ватан тақдир учун даҳадор, фидойи эғиб, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис жорий Баркамол авлод йилида таълим соҳасидаги ислохотларни янада чуқураштириш ва такомиллаштириш,

ўқитувчи ва мураббийлик касбини эъзозлаш, ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама мадад кўрсатиш борасидаги эзгу ишлар қўламини тобора кенгайтирмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик таълимнинг барча бўғинларида — умумий, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимларида таълим-тарбия сифатини оширишда, барча тизим педагогика механизмининг рағбатлантиришининг янги, самарали механизмининг жорий этилиши, ёшларга билим бериш ва маънавиятини юксалтиришда, иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлашда, ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий омил — муаллим ва унинг тафаккур дунёсидир. Зеро, мустақкам билим, юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳиятини ошириб, инсон ўз ҳаётининг ёрқин йўлларини топишга, бахт ва саодат эшикларини очишга мушарраф бўлади. Шу маънода мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасидаги ишлар бир лаҳза ҳам тўхтамасдан, янги босқичларга кўтарилаётгани қувонардир. Бу ёш авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади, албатта.

Худоёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Қарор ва ижро

ҚИШЛОҚ ДЎКОНЛАРИДА ТЕРМИНАЛЛАР

Президентимиз Исоом Каримов раҳнамолигида қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, олис ва чекка қишлоқларда ҳам маиший, савдо, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқларимизда қулай хизмат турлари кўпайиб, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг тобора такомиллашгани бунинг яққол далилидир. Замонавий тўлов воситаси — банк пластик картчалари қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам тобора оммалашиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 апрелда қабул қилинган «Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Сурхондарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётган. Хусусан, қишлоқ жойларда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими кенг жорий этилаётгани аҳолига қатор қулайликлар яратмоқда.

Ангор туманида фаолият юритаётган 123 хўжалик юритувчи субъектда тижорат банкларининг тўлов терминаллари ўрнатилган. Туман марказидан узоқда жойлашган «Чинобо», «Баҳор», «Гиламбоп», «Дехқонбирлашув» каби маҳаллалар ҳудудидagi хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларида ҳам терминаллар ўрнатилди.

Матълумотларга кўра қишлоқларда тижорат банкларининг терминалларида фойдаланишга эҳтиёж тобора ортиб бораётган. Айни пайтда туманда «Агробанк»нинг 66 та, «Микрокредитбанк»нинг 41 та, «Халқ банки»нинг 24 та тўлов терминали орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб юритилмоқда. Электрон ҳисоб-китоб тизимининг аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани тижорат банкларида тўлов терминаллари сонини янада кўпайтиришни тақозо этмоқда.

— Қишлоқлардаги миқозларимизга банк хизмат турларидан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратиш асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди «Агробанк» акциядорлик тижорат банки туман филиали бошқарувчиси Тўлқин Норқулов. — Айниқса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг хўжалик юритувчи субъект учун ҳам, миқоз учун ҳам қатор қулай-

лик яратаётгани эътиборга сазовордир. Банк пластик картчаларидан фойдаланаётган истеъмолчилар ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуддаги савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларида ҳисоб-китоб ишларини нақд пулсиз амалга оширмоқдалар. Айни пайтда пластик картчада сақланаётган маблағ учун ойллик фоиз тўловларининг қўшилаётгани ҳам фойдаланувчиларга ўзига хос рағбат бўлиб хизмат қилаётган. Илминг ўтган даврда тўлов терминаллари орқали 809 миллион сўм маблағ айланди. Жорий йил охиригача қишлоқлардаги савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталарида яна ўттизта замонавий тўлов апараты ўрнатилиш режалаштирилган.

Қишлоқлардаги терминалларида барча турдаги коммунал хизматлар, мобил алоқа ва интернет тўловлари қабул қилинмоқда. Савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталарида нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга оширилаётганидан миқозлар мамнун.

Туман марказидан анча узоқда жойлашган «Новшаҳар» фермерлар уюшмасидаги савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталарида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ Сурхондарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётган. Хусусан, қишлоқ жойларда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими кенг жорий этилаётгани аҳолига қатор қулайликлар яратмоқда.

Ангор туманида фаолият юритаётган 123 хўжалик юритувчи субъектда тижорат банкларининг тўлов терминаллари ўрнатилган. Туман марказидан узоқда жойлашган «Чинобо», «Баҳор», «Гиламбоп», «Дехқонбирлашув» каби маҳаллалар ҳудудидagi хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаларида ҳам терминаллар ўрнатилди.

Матълумотларга кўра қишлоқларда тижорат банкларининг терминалларида фойдаланишга эҳтиёж тобора ортиб бораётган. Айни пайтда туманда «Агробанк»нинг 66 та, «Микрокредитбанк»нинг 41 та, «Халқ банки»нинг 24 та тўлов терминали орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб юритилмоқда. Электрон ҳисоб-китоб тизимининг аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани тижорат банкларида тўлов терминаллари сонини янада кўпайтиришни тақозо этмоқда.

— Қишлоқлардаги миқозларимизга банк хизмат турларидан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратиш асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди «Агробанк» акциядорлик тижорат банки туман филиали бошқарувчиси Тўлқин Норқулов. — Айниқса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг хўжалик юритувчи субъект учун ҳам, миқоз учун ҳам қатор қулай-

УСТОЗ МАҲОРАТИ МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИДИР

Камолитдин ака хонасига кириб, кўлидаги китоб ва дафтарларини стол устига қўйган ҳам эдики, эшик тақиллаб қолди.

— Қираверинг, марҳамат! — деди Камолитдин ака эшикка юзланганча.

Устоз билан саломлашгач, кўрсатилган жойга ўтириб, ота сўз бошлади:

— Сиздан масаҳат сўрагани келдик, домла. Ўғлимиз шу ерда, 7-синфда ўқийди. Илгарилари ўқийшга иштиёқи зўр эди, аммо мана икки ойдики, ўқийшга ҳафсаласи йўқолиди, кўп вақтинги кўчада ўртоқлари билан ўтказаяпти. Уришгани, жазолагани кўнглимиз бўлмапти. Нима қилсак экан, ёрдам бериш!

Камолитдин ака ўқувчининг ота-онаси билан узоқ сўхбатлашгач, бу ўзгаришларнинг сабабини бирма-бир тушунириб берди.

— Ўғил бола ўсмирлик даврида шундай ҳолатга дуч келади, агар унга руҳан ёрдам берилса — яқин дўстдек муомалада бўлишса, тезда ўтиб кетади, — деди у. — Шу боис ўғлимизни дам олиш кунлари, дарсдан бўлиш пайтларида фойдали, қизиқарли машғуллар билан шуғуллантиришингиз лозим.

Ота-онани кузатгач, Камолитдин ака ўқувчининг устози билан синф журналини кузатиб. Кейинги икки ойда ота-онани шикоят қилган ўқувчининг баҳоларида унча катта ўзгариш йўқ. Аълочи ўқувчини йўқотишди, шунинг учун агар ўзлаштириш самарадорлиги пасайса кейинги баҳолар «аввалиги хизматлари учун» қўйилади. Буни яхши билган домла синф раҳбарига ўқувчини алоҳида эътибор билан кузатиш зарурлигини таъкидлади. Олдиди яна бир муҳим вазифа — ўқувчининг ўзи билан сўхбатлашши қолган эди.

Камолитдин ака ўқувчи билан мактаб директори сифатида эмас, балки энг яқин дўстдек, самимий гаплашди. У келажакда тиришқоқлиги ва харақат-



«Тахнатош-дон» акциядорлик жамияти қошида «Иссиқ нон» цехининг ишга туширилган Тахнатош шахри аҳолисини сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти бермоқда.

Ун олти киши меҳнат қилаётган мазкур цехда замонавий технология асосида кунгита икки миңг донагача қолипни нон ишлаб чиқариламоқда. Шунингдек, шаҳардаги савдо дўконларида батон, булочка сингари ўнча турдан нон маҳсулотлари ҳам етказиб берилаётган. «Иссиқ нон» маҳсулотлари сифати ва мазаси билан роятда харидортир.

СУРАТДА: цех ишчилари Бахтжон Утаров ва Алтингул Ажинязова.

Арслон Канназаров (ЎЗА) олган сурат.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

«Пахта – 2010»

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

Бу йил самарқандлик фермерлар 99 миң 200 гектар майдонда вилоят иқлим шароитига мос кўза навларини парваришлаб, мўл ҳосил етиштирди. Пахта йилнинг теримида фермерларга яқиндан кўмаклашган теримчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган, уларни рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар беш кунликда энг юқори кўрсаткичга эришган туман, муқобил машина-трактор парки, фермер хўжалиги, маҳалла ва илгор теримчилар аниқланиб, уларга қимматбаҳо совғалар топирилламоқда.

— Теримчиларга иш ҳақла-

рини ўз вақтида бериш билан бирга уларни қўшимча рағбатлантириш меҳнат суръатини оширишга хизмат қилади, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Мирза Ҳайитов. — Шу мақсадда илгор теримчиларга рангли телевизор, мебеллар жамланмаси ва бошқа қимматбаҳо буюмлар туҳфа қилинмоқда. Мавсум якунида энг фаол фермер, оилавий шугартчи ва теримчиларга юртимиздаги санаторийларга бепул йўлланма бериш ҳам кўзда тутилган.

— Мавсумнинг дастлабки беш кунда маҳалламиз терим-

ТАДБИРКОРЛАР КЎМАГИ АСҚАТАЁТИР

— Иморат қурмоқчи эдик. Қурилиш материалларининг нархини суриштиргани Қарши шаҳрига келгандик. Ўзимизда арзон экан. Қайтиб кетяпмиз.

— Қаердансиз?

— Чироқчи туманининг Сувлигидан.

— Туманининг чекка қишлоқлариданми?

— Шаҳар денг, опа, чекка қишлоқ бўлса ҳам шаҳардан қолишадими.

— Шунчалик ўзгариб кетганми?

— Ҳа-да. Қурилиш материаллари арзон деганимиздан билвермай-сизми? Тадбиркорларимиз кўп. Шулар арзон қилишди-да. Шаҳримизга борганимиз ўзи?.. Кўчанинг бошида «Paynet» бор. Ундан кейин клиника. Кейин тўйхона, сартарошхона, ошхона... Хуллас, борсангиз кўрасиз.

Қишлоғини бири қўйиб, бири мактаётган йигитларга қараб диядан қувонаман. Эҳтимол, гапларида ан-да мулобава бордир, бироқ бунинг замридаги туғилмаб ўсган жойга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқатдан завқландим.

— Бизда қондага айланиб кетган шундай одат бор, — дейди Сувлик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Одил Хушвақтов. — Қишлоқдан чиққан тадбиркорми, фермер-

ми, олимми, дўхтирми — элга фойдаси тегиши керак. Масалан, Нуриддин Долиев деган тадбиркор йигитимиз бор. Савдо-сотик билан шуғулланади. Кам таъминланган оилаларга менинг номимдан тарҳатинг, деб 1 тонна буғдой олиб бери. 15 та оилага бўлиб бери. Бундан ташқари, маҳалла тадбиркорлари кўмағида 4-5 километр йўлга қум, тош тўкиб, асфальт қилинди.

Дарҳақиқат, бутун Сувлик қишлоғини айлансангиз, кўчалар текис ва раволаштирилган кўнглингиз яйрайди. Боз устига, турли хизмат кўрсатиш шохобчаларини қўриб, йигитларнинг мақтанганларича бор экан-да, дейсиз.

— Хукуматимиздан айланай, тадбиркорларга кенг имконият яратиб бериб қўйгани боис турмушимизга ҳам файз кирди, — дейди қишлоқ фахрийларидан Назар Жўраев. — Ҳар қадамда савдо дўкони, чойхона, ошхона, худди шаҳардэгидай шароит. Мана, ўзимизнинг Юсуфбой ҳам ҳозир тушпа-тузук тадбиркор. Элга кўп ёрдам қилипти. Ёш бўлса-да, ишининг кўзини қилади. Бир ўзи қанчадан-қанча одамни иш билан таъминлаётган.

Юсуфбой деганлари тадбиркор Юсуф Очилов экан. Ҳақиқатан ҳам у қишлоқ аҳли учун бир қатор қулайликлар яратиб берибди. Ота-хон санаб берганидан ташқари, ёнига қўйиш шохобчаси, «Paynet» хизмати, гўшт дўкони, сартарошхона ҳам қуриб ишга туширган экан. Шу туғайли қишлоқ ёшларидан 15 нафари иш билан таъминланибди. Юсуф Очиловнинг хайри ишларидан яна бири, бир тонна буғдойни ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳамда эҳтиёжманд оилаларга бўлиб берибди.

Тадбиркорларнинг сазй-ҳарақати билан бугун қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарган. Гузал ва бетакорр табиат билан қишлоқнинг замонавий кўриниши уйғуллашиб янада

иши Одил Хушвақтовнинг ўзи ҳам яхшигина тадбиркор: фермер хўжалиги бор. Камтарлик қилиб, бизга қилаётган хайри ишлари ҳақида айтмас-да, элнинг ўзи ошқор қилди. Кам таъминланган оилаларга ўз ҳисобидан буғдой, ун бериб тура экан. Элга яхши бўлсин, деб тегиримон қурибди.

— Сувликда кириш жойида катта дарвоза қурмоқчиман, — дейди оқсоқол. — Кейин маҳалла фуқаролар йиғини учун 2 қаватли бино барпо этмак. Унда айрим хизмат турлари ҳам йўлга қўйилади. Масалан, одамларда жунни тозалайдиган ускуналар бор, гилам тўкиш цехи очсаки, деган ниятлар ҳам йўқ эмас. Мақсадимиз амалга ошса, кўпбал хотин-қизларимиз иш билан таъминланади.

Хуллас, бугун Сувлик қишлоғида ўзгариш ва янгиланишлар катта. Мухими, бу ўзгариш одамларнинг онига кўчгани, уларнинг янгича фикрлар, эзгу мақсадлар билан яшаётгани янада қувонарлидир.

Санобор БОЙМУРОДОВА,
«Mahalla» мухбири.

Обод қишлоқлар

Намунали маҳалла

АҲИЛЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК

бор жойда ютуқлар ҳам бўлади, — дейди Наманган шаҳридаги «Шарқ тонги» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Исоқжон Холбоев

«Шарқ тонги» маҳалласини, айниқса, унинг раиси Исоқжон Холбоевни нафақат Наманган шаҳрида, балки вилоятда ҳам кўпчилики танийди. Маҳалла шаҳарнинг энг обод, осойишта, аҳолиси хунарманд ҳудудларидан бири сифатида донг таратган бўлса, унинг раиси сергайрат, изланувчан, қатъиятли инсон сифатида ном қозонган. Шаҳар ва вилоятда маҳалла фуқаролар йиғинига алоқадор катта-кичи йиғинларда кўпчилик Исоқжон акадан маслаҳат сўрайди, унинг сўзларига қулоқ тутлади.

Узоқ йиллик тажрибага эга бу оқсоқолга одамларнинг ҳурмати, ҳамкасбларнинг ҳаваси бежиз эмас. «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлинимасида ҳам «Энг намунали маҳалла» сифатида айнан «Шарқ тонги» номини таъкидлашади. Умрининг қирқ йилдан кўпрогини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаб, юзлаб шогирдлар етиштирган, нафақага чиқиб ҳам эл-юрт хизматидан ортамаётган оқсоқол билан фуқаролар йиғини биносида учрашди.

— Худудимиз унча катта эмас, — дейди у бизга маҳалла ҳақида маълумот бераркан. — 360 хонадон бор. Аҳоли сонига эса 2300 нафардан ортиқ.

5 нафар кўча бошлиғимиз бор ва улар фуқаролар йиғинининг энг асосий таянчлари, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, Иброҳим Нурмирзаев, Набиҳон Абдуллоҳов, Раҳматулла Маматқонова каби кўча бошлиқларимиз ҳалол меҳнати, намунали оиласи билан эл назарига тушганлардан.

«Шарқ тонги» Наманган шаҳрининг савдо ва маиший хизмат ривожланган ҳудуди ҳисобланади. «Чорсу» деҳқон бозори маҳалла ёнида жойлашган. Бундан ташқари, 60 дан зиёд савдо, 30 дан зиёд маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш шохбачалари бор. Аҳолиси хунар-

манд — қўли гул заргару новвой, чевару косиб шу ердан топилади. Ёшлар орасида эса тадбиркорлар кўпаймоқда.

— Шу ернинг ўзида 200 га яқин янги ишчи ўрни яратди, — дейди раис. — Маҳалладошимиз Ёқубжон Мамасодиқов сутни қайта ишлайдиган, Обидхон Ҳусайнов попопчилик цехлари қуришди. Анасхон Собиров «Дорихона» билан чеварчилик хомашёси дўкони барпо этди. Яна бир тадбиркор Абдурауф Абдуғаниев эса қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Ширин дунё» корхонасини ишга туширди. Ана шундай тадбиркорлар шарофати билан худудимиз кўркамлашиб, хизмат кўрсатиш сифати ва даражаси кун сайин ривожланмоқда.

Исоқжон ака худуддаги тадбиркорларнинг бошини бир жойга қовуштира оладиган ташкилотчи раислардан. Биргина мисол: маҳалла-нинг уюшқоқлиги, тадбиркорларнинг ҳиммати билан яқинда 500

метрдан зиёд канализация тармоғи тўла янгиланди. Бундай эзгу ишларнинг бошида, албатта, оқсоқол туришига ҳамма ўрганиб қолган. Раиснинг ўзига хос иш услубларидан яна бири шуки, у Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамлари арафасида савоатпеша инсонларнинг хайриясини бир жойга йиғиб, бемор ётган кексалар ва ногиронларга, муҳтожларга тенг тақсимлар экан. Биргина сентябрь ойида ушбу мақсадларга 800 минг сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Исоқжон Холбоев билан бир бор сўхбатда бўлган одам яна сўхбатлашгиси келади. Тажрибали раис бундан кўнрақ ишлари ҳақида ҳам тўққиналиб гапирди.

— Асосий эътиборни тўй ва бошқа маросимларни янада ихчамлаштиришга, тартибга солишга қаратилган. Бу борада фуқаролар йиғини қошидаги жамоатчилик комиссиялари кучидан уюмли фойдаланганимиз яхши самара бермоқда. Худудимиздаги ҳар бир тўй ёки маъра-

қада, албатта, вақилимиз қатнашиб, бош-қош бўлиб туради. Авваллари тўйлар 3-4 кунлаб давом этгани бор гап. Ҳозир ҳар қандай тўй бир кунда ўтати. Чунки ортиқча маросимларга барҳам берилди.

Шаҳарнинг Навой ҳамда Бобур номли шоҳ кўчалари маҳалламиздан ўтган. Ана шу ҳудудларда ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари мунтазамлигини таъминлаш ҳам бизнинг зиммамизда. Эрта баҳордан буён ўн минг тутдан ортиқ турли гул кўчатлари экилди. Бу билан «Гуллар шаҳри», деган таърифга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Шаҳарда бир кун тозаланмаган кўча қаровисиз ҳолга келиб қолади. Шу боис ободонлаштириш ҳар кунлик иш режимида бор.

— Буларга қўшимча равишда раиснинг олдига ҳар кун турли масалалар билан ўнлаб одамлар келади, — дея сўхбатда қўшилди фуқаролар йиғини масъул котиби Каримжон Абдуҳамидов. — Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Исоқжон аканинг ёнига хафа ҳолда қирган одам борки, албатта, юзиде табассум ва мамнунийлик билан қайтиб чиқади.

«Шарқ тонги»да аҳиллик ва уюшқоқлиги, иш ва сўз бирлиги ни кўридик. Бунга шу жойда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро эътироф этади.

Жамшид БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Оқсоқолнинг бир кун

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОР БЎЛСА...

— Санобар опа, сизни шаҳар ҳокимлигидан сўрашди. Маҳалла фуқаролар йиғинининг масъул котиби Акбар Бобононовнинг бу хабари раисани бироз сергаклантирди.

Санобар Турсунова Гулистон шаҳридаги «Намуна» маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси. Иккинчи мартаба ўтказилган сайловда аҳоли унга ишонч билдириб, яқдиллик билан овоз берди. Одамлар ишончини қозонишининг ўзи бўлмайди, албатта.

«Намуна» маҳалласи Гулистон шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Худудда кўлаб мутасадди ташкилотлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Маҳаллада 43 та кўпқаватли уй ва 473 та ҳовлида 5782 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Ҳокимликда пахта йиғим-терими бўйича шаҳар ташкилотлари ўртасида ўтказилган мусобақанинг 10 кунлик якуни муҳокама қилинаётган эди. Фойлибар сафида ўзи раҳбарлик қилаётган маҳалла номини эшитганида Санобар опа қувониб кетди. Уни муқофотлашди.

Йиғилишдан кўтаринки кайфиятда чиққан Санобар опа йўл-йўлакчи маҳалла худудидеги савдо, маиший хизмат шохбачалари кириб ўтди. Дўконларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ва турлари билан қизиқди. Йўл четидеги бир савдо дўконига кириб, унинг иш бошқарувчисига: «Иложи борица иш кунингизни соат 21.00 га узайтиринглар. Одамлар пахтадан қайтишганда овера бўлишмасин», дея тайинлади.

Санобар опа савдо ва маиший хизмат шохбачаларидан чиқиб, ўзидан олдидан маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган Собир аканинг худудонига буриди. Устози унга кўп ўнгит-маслаҳатлар бериб келди: «Бирров кириб табрик-лаб, ҳол-аҳвол сўраб ўтман», дея кўнглидан ўтказди Санобар опа. Ҳозирги кунда қарилик гаштини сураётган Собир ака уйда экан. Қўлидаги меҳнатига олган муқофоти — совғани Собир акага тутқазди, устозини байрам билан қутлади.

Устоз-шогирднинг суҳбати қизғин кечди. Санобар устозига маҳалладаги ишлари, маҳаллошларнинг қувонч ва таш-

вишлари ҳақида гапириб берди, баъзи масалаларда устозидан маслаҳат сўради.

— Одамларнинг оқлишини оламан десанг, энг аввало, бева-бечора, етим-есирга ёрдам бер, уларга раҳм-раҳиқ қил. Ана шунда кам бўлмайсан, — дея насихат қилди Собир ака Санобар опа билан хайралиш чочиди.

Маҳалла идорасига яқинлашганида бир гуруҳ тадбиркорларни кўриб қувонди. Салом-алиқдан сўнг раиса уларни ичкарига таклиф этди.

— Санобар опа, биз тадбиркорлар ўзаро маслаҳатлашиб, пахта йиғим-теримида фаол қатнашаётган илгор теримчиларга совға-салом олиб келгандик. Шуларни қабул қилиб олсангиз, — деди «Азиз Инсонларвар Нури» кичик корхонаси раҳбари Одижон Мансуров.

Маҳаллада 11 кишидан иборат таркибда «Ҳомийлар кенгаши» тузилган. Унинг таркибига худуддаги тадбиркорлар, ўзига тўқ оилаларнинг вақиллари киритилган. Маҳалла тадбиркорлари ҳар бир байрамда бу ерда яшайдиган 49 нафар ногиронга, 67 та кам таъминланган, 5 та боқувчисини йўқотган оилага мунтазам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келишаптир.

Маҳалла раисаси бу гапларни эшитиб дилдан қувонди. Тушлик пайти яқинлашиб қолганлигидан фойдаланиб, уларни пахта майдонига таклиф қилди. Биргаликда далага боришиб, энди тушликка чиқилган маҳалла хашарчиларига совға-саломлар улаштириди, уларнинг меҳнатларини эътироф этишди. Бундай эътироф ва эътибордан чарчокни унуттирган хашарчилар маҳалла раисаси ва тадбиркорларга миннатдорлик изҳор этишди.

Санобар Турсунова «Ҳомийлик кенгаши» вақилларини кузатиб қўйгач, эртанги режаларни муҳокама қилиш мақсадида маҳалладаги фермерлардан бири билан учрашгани йўлга отланди.

Тошўлат ҲАЙИТБОВ,
«Mahalla» мухбири.

Таққос ва тажриба

БИР-БИРИГА ЎРНАК ВА ИБРАТ БЎЛИБ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Меҳржон» ва «Ботирма» маҳаллаларини битта кўча ажратиб туради. Катта кўчанинг бир томони 17-мавзё, иккинчи тарафи 18-мавзё. Мавзёлар бошқа-бошқа бўлса-да, бу ҳудудлардаги маҳаллаларда умумий ўхшашлик талайгина. Мисол учун, ҳар икки маҳалла ҳам кўпқаватли уйлاردан ташкил топган. «Меҳржон» маҳалласида 20 та, «Ботирма» фуқаролар йиғинида эса 25 та кўп қаватли уй мавжуд. «Меҳржон» маҳалласининг худудини кузатарканмиз, аввало, ҳар бир уй атрофининг озодаллиги, болажонлар учун махсус ўйингоҳлар ташкил қилингани эътиборимизни тортди.

эмши. Оқсоқол бу йигитни ўзи бош-қош бўлиб, табибга даволатди. Соғайгач, иш билан таъминлади. Бу йигит ҳозир соғлом ҳаётга қайтиб, тенгдошлари қатори ҳалол меҳнат билан шуғулланиб кун кечиряпти.

Оқсоқол бу усулни тезда ўз маҳалласида ҳам қўлади. Маҳалла қошида ташкил этилган Жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жазони ўтаб қайтган шахслар билан ишлаш комиссияси аъзоларини тўлаб, ички ишлар бўлимида рўйхатда турган жазони ўтаб қайтган шахсларни суриштириб, улар билан юзма-юз сўхбат ўтказди. Уларнинг ҳар бирини туман бандиқка кўмаклашиб маркази билан ҳамкорликда фойдали меҳнатга жалб қилди. Натижада кейинги йилларда маҳаллада жиноят содир этиш ҳолатлари кескин камайди.

— Бундан бир неча йил аввал маҳалламизда ўғрилик, ичкиликбозлик кузатиларди, — дейди «Меҳржон» маҳалласи раиси Ҳасан Аमतов. — Ҳозир бундай кўнглириликлар учрамайпти. Сабаби, маҳалладаги ҳар бир одамнинг ҳуқ-атвори менга ойнадек маълум. Оқсоқол сифатида уларнинг кўнглидаги кечин-маларни билашга ҳаракат қиламан. Бу борада қўшни маҳалла фаолари билан ҳамкорлик ҳам қўл келяпти. «Кўшнинг тинч—сен тинч», деб бежиз айтишмаган-ку.

«Ботирма» маҳалласининг масъул котиби Муҳаммад Холтоева ўз вазифасини ўзлаштиришда қўшни маҳалланинг масъул котиби Мухтабар Бегалиевадан жуда кўп маслаҳат олаётганини алоҳида таъкидлайди.

— Масъул котиб вазифасига тайинланганимга кўп вақт бўлмади. Аслида ёш бўлса-да Мухтабар компьютерда ишладан тортиб, ариза ва мурожаатларни ҳужжатлаштиришга эринмасдан ўргатди. Унинг кўмағида вазифамни тўла эгалладим.

Ҳа, бундай миннатдорлик сўзларини икки маҳалла фаолларидан ҳам кўп эшитдик. Энг муҳими, ҳамжихатлик, бирдамлик, ўзаро тажриба алмашиш катта муваффақиятларга замин ҳозирлашига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Мурувват

ҲЕЧ КИМ ҲАМХЎРЛИҚДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Дунёга келганида ота меҳрини кўрмаган нуқуллик Михаил Свечниковнинг пешонасига ногиронлик ҳам ёзилган эди. Булар камлик қилганидек, онасининг спиртли ичимликлар истеъмол қилишга ружу қўйгани дард устига чипқон бўлди.

Бу оиладаги нотинчликдан безовталанган 41-сонли «Ақ жаъъс» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рейимбой Даўлетов билан йиғиннинг диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Инобат Расуловани зарур чора кўришга мажбур этди.

— Михаилнинг ногиронлигини, ёрдамга муҳтожлигини билар эдик, — дейди Рейимбой Даўлетов. — Шу боис оиладан тез-тез хабар олиб, онасини тартибга қақириб, болага ёрдам бериб турдик. Шунга қарамай, ўтган йили Михаил

қаровисиз қола бошлади. Онаси билан гаплашдик, у боласининг керак эмаслигини айтиб ариза ёзиб берди. Шундан сўнг фарзанди тақдирини бефарқ бу аёлни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлади.

Совуқ қиш кунларининг бирида Инобатни Михаилнинг ҳолидан хабар олишга жўнатганим. У уйга борса деразалари очик хонада бола совуқдан жунжикиб ётган экан. Дарров мени чақирди. Бориб кўрсак, ҳақиқатан ҳам аҳвол яхши эмас. Дарҳол болани шаҳар ИИБ во-яга етмаганлар билан ишлаш

бўлими нозирлари ҳамкорлигида республика болалар касалхонасига олиб келдик. Касалхонанинг неврология бўлими шифокорлари Михаилдан кўларидан келган ёрдамларини аямади. Сўнг эса Нукус шаҳар тиббиёт билим масканининг шифокорлари болани яна бироз даволаб, Тошкент шаҳридаги «Мурувват уйи»га жўнатишди. Шундай қилиб, боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Михаилни Тошкентдаги «Мурувват уйи»га ўзим олиб бориб жойлаштириб қайтдим. У ердаги шароит, тиббий хизмат савиясини кўриб, кўнглим хотиржам бўлди.

Юқоридеги воқеадан чиқадиган хулоса шуки, юртимизда ёрдамга муҳтож, ногирон, етим болалар доимо эътиборда. Улар ҳеч бир мурувват ва савоат ёрдамидан четда қолмайди. Халқларвар, элларвар мамлакатда бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Қосимбой РЕЙИМОВ,
«Mahalla» мухбири.



© фото-Носир Хайдаров

— 14-уйга бошлиқ бўлганимга 4 йилдан ошди, — дейди Лидия Ҳасанова. — Бу уйда 96 та хонадон бўлиб, аҳоли сонига 180 нафарни ташкил этади. Барча йўлақлар чиройли таъмирланган.

Уй бошлагининг таклифига кўра йўлақларни кўздан кечирдик. Йўлақлар зиналари тоза-озода. Боз устига, ҳар бир қават бошланғичда махсус идишларда табиий ва сунъий чиройли гуллар териб қўйилган. Бундай ажойиб манзарага маҳалладаги 13-, 14-, 16-уйларда ҳам дуч келдик.

Эътиборисини, худди шундай ҳолат «Ботирма» маҳалласидаги кўпқаватли уйларида ҳам кўзга ташланади. Айниқса, маҳалладаги 2-, 3-, 50-уй атрофларида айни ҳазоррезги пайт бўлишига қарамай, барг уюмлари кўринмайди.

— Биз ҳар бир ташаббусни кўшни маҳалла билан биргаликда амалга оширамиз, — дейди «Ботирма» маҳалласи жамоат тузилмаси сардори Луиза Бобоева. — Камчиликларни ҳам тақлиф ва мулоҳазаларга таяниб, баргараф этишга ҳаракат қилишимиз.

Бир-биримиздан иш ўрганишимиз, кези келса ўргатамиз. Ҳозирги пайтда «Меҳржон» маҳалласида 4 минг нафар, «Ботирма»да 4,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Икки маҳалладаги аҳолига савдо-сотик, маиший хизмат



«АГРОБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

юридик шахслар учун мўлжалланган номинал қиймати 1 000 000 сўм бўлган депозит сертификатларини ҳамда номинал қиймати 1 000 000 сўм бўлган корпоратив облигацияларини таклиф этади.

Депозит сертификатлар бўйича фойз ставкаси

18 ой муддатга йиллик	7%
24 ой муддатга йиллик	8%
36 ой муддатга йиллик	10%

миқдориде ҳамда корпоратив облигациялар бўйича 5 йил муддатга Марказий банкнинг йиллик қайта молиялаш ставкаси (йиллик 14%) миқдориде даромад тўланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28-июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан тижорат банкларининг қимматли қарз қозғолирига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинган фойзли даромадлари бўйича юридик шахслар 5 йил муддатга солиқ солишдан озод этилади.

Тўлиқ маълумот олишингиз учун куйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин: (8371) 1505366, 1508512.

Агробанк — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Кўрик-танлов ғолиблари

ИШДА ҲАМКОРЛИК, ТАШАББУС БЎЛСА...



© Фото-Носир Хайдаров

Бундан олти йил олдин маҳалла маслаҳатчиси сифатида дастлабки фаолиятини маҳалладаги ҳар бир оиланинг ижтимоий келиб чиқиши, насл-насаби, қизиқшини яқиндан ўрганишдан бошладим. Англаганим шу эдики, маслаҳатчи олиб бораётган ҳар бир хайрли иши, саъй-ҳаракати беҳуда кетмаслиги учун, аввало, ўзининг билими, фидоийлиги билан маҳалладошлари ишончини оқлаши лозим.

Ҳозир маҳалладаги хотин-қизларнинг деярли барча муаммоларини ҳал этишда бевоқифа иштирок этаётганидан фахрланаман. Табиийки, маҳалладошлар ишончи ортани саринимиздаги масъулият юки ҳам ортади.

Айни пайтда фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган маслаҳатчиларнинг иш ус-

луби ва йўналишларини бойитишда алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшлар, аёллар, оилалар ўртасида юзага келаётган муаммоларнинг олдини олишда кўл келаётди. Маслаҳатчиларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида кўлаб ўқув-семинарларнинг ташкиллаштирилиётгани фаолиятини самарадорлигини

юксалтираётди. Хусусан, 2008 йилда ўтказилган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаганини ҳам тизим доирасида олиб борилаётган ислохотларнинг меваси, деб биламан.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳалламиз мутасаддилари, фаоллар билан биргаликда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида меҳнат биржаси, юридик институт ва бошқа

давлат, нодавлат, жамоат ташкилотлари, ўқув-муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда "Ҳуқуқий саводхонлик кунини" ўтказиб келамиз. Саводхонлик кунини доирасида ҳуқуқшунос олимлар, етакчи мутахассислар билан жонли мулоқот ташкил этилаётгани, жамоатчиликни қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб берилаётгани боис унда иштирок этувчилар сони тобора ортиб борапти. Хотин-қизларга давлат органларига мурожаат қилиш тартиби, аёлларнинг оила, жамият олдидagi ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш борисида ҳам изчил иш олиб борилапти.

Айрим ҳолларда баъзи хонадонларда эр-хотин муносабатлари, никоҳсиз турмуш қуриш, ака-ука ёки опа-сингил ўртасида мерос масалалари билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади. Тажрибамдан биламанки, бундай муаммоларнинг олдини олишда аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ўрнатилган ҳамкорлик кўл келади. Шу боис хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган учрашувларини мунтазам ўтказиб туришни режалаштирганимиз. Шунини алоҳида таъкидлаш

жоизки, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ташкиллаштирилаётган "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?", «Қонунимиз — қомусимиз», «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати» мавзусидаги адабий кечалар ўз самарасини бермоқда. Бугун ёшлар Конституцияда белгилаб қўйилган ҳар бир модданинг мазмун-моҳиятидан хабардор. Энг муҳими, ёшлар ҳар бир ишнинг қонун асосида амалга ошириш лозимлигини яхши билади. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарбиянинг мунтазам олиб борилаётгани натижаси ўлароқ, оилавий ажримлар, қонунбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари кескин камайди.

Албатта, маҳалламиз ёшларнинг ҳуқуқ борасидаги билимларини оширишда нафақат йиғин мутасаддилари, балки ёш иш улуғ, ҳаётий тажрибага бой фахрий педагоглар, нуруний отахону онахонларнинг хизматлари катта. Фаоллар ҳамда ҳомийлар кўмағида бундай хайрли ишларни давом эттириш ниятидаимиз.

Зулхумор ТУРСУНОВА,
Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги "Истиқлол" маҳалласи маслаҳатчиси.

Дунёдан дараклар

КЕЧИРИМ СЎРАДИ

Кеча НАТО бош қотиби Андрес Расмуссен аянсининг қароргоҳидаги учрашув чоғида Покистон ташқи ишлар вазиридан расман кечирим сўради. Гап шундаки, ўтган ҳафта НАТО қўшинлари адашиб Покистон ҳарбий постига ракетадан ҳужум уюштирган ва натижада икки аскар ҳалок бўлган эди.



Шундан сўнг Покистон томони Афғонистонга ўтказилган йўлларни беркийтиб қўйди. Бундан фойдаланган толиблар эса машиналар колоннасига ҳужумлар уюштирди. Мисол учун, Покистоннинг Шикарпур шаҳри яқинида жангарилар 27 та автодистернани портлатиб юборишди.

"Интерфакс" хабарига айтилишича, автодистерналар Карачи портидан Кветта шаҳри томон

кетаётган эди. Юқ кейин Афғонистонга юборилиши кутулаётгани. Айтиб ўтиш жоизки, Афғонистонга келаётган ёнғин, ҳарбий техника захира қисмларининг 80 фоизи Покистондаги портлар орқали ташилипти. Чунки у энг арзон йўл ҳисобланади.

ТЕРРОРЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Франциянинг Марсель, Авињон ва Бордо шаҳарларида террорчиликка алоқадорликда гумон қилинган, 12 киши қамоққа олинди. Уларнинг бирдан ўқ отар қуроллар ва портловчи модда топилган.

Франция полицияси вакилининг таъкидлашича, гумондорларнинг ҳаммаси сал аввалроқ Италиянинг Неаполь шаҳрида қўлга тушган террорчи билан алоқадор. Бу террорчи ҳам Франция фуқароси бўлиб, жангариларни портловчи моддалар билан таъминлашда иштирок этган.

Матбуотдаги хабарларга қараганда, ўтган ҳафта "Ал-Қоида" террорчилари Германия, Франция ва Италияда бир вақтнинг ўзига бир неча террорчиликни амалга оширишни режалаштиришган. Лекин Покистон ва Европа мамлакатлари махсус хизмати вакиллари бу хунрезликнинг олдини олишга муваффақ бўлган. Шундай бўлса-да, ҳамон Европада террор хавфи сақланиб турибди.

АЛЮМИН КОМБИНАТИДАГИ ҲАЛОКАТ

Венгрия пойтахти Будапештдан 160 километр узоқликда жойлашган Айка шаҳри яқинидаги алюмин ишлаб чиқарадиган йирик комбинатда ҳалокат юз берди. Резервуар деворининг бузилиб кетиши натижасида захарли модда ташқарига оқиб чиққан. Натижада тўрт нафар ишчи ҳалок бўлди, етти киши бедарак йўқолди, 100 нафарга яқин киши захарланди.



ИТАР-ТАСС хабарига айтилишича, резервуардан чиқиб кетган 700 минг кубометр қизил тўқ сарғи модда яқин атрофдаги учта қишлоқнинг ва темир йўлини босган. Шу боис Будапешт-Сомбатхей йўналишида поезд қатнови тўхтади. Аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш ишлари давом этмоқда. Қутқарув ишларига армия ҳам жалб этилди. Ҳалокат жойида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бу ерда 30 та тез ёрдам машинаси ҳамда вертолётлар ишламоқда.

КЎЗБЎЯМАЧИЛИГИ УЧУН



Франциянинг Societe Generale банки собиқ трайдер Жером Кервьель биржалардаги кўзбўямачилиги учун айбдор, деб топилди, Париж ахлоқ тузатиш суди томонидан 5 йил озод-

ликдан маҳрум этилди. У бу муддатнинг уч йиллини қамоқхонада ўтказди, икки йил шартли ҳисобланади. Жером, шунингдек, банкка 5 миллиард евро компенсация ҳам тўлайди.

Эслаб ўтамиз, тергов ҳужжатларига қараганда, Жером Кервьель кўзбўямачилиги туфайли банк 4,9 миллиард евро зарар кўрган. 33 ёшли трайдер устидан суд жараёни жорий йилнинг январида бошланган эди. Ўтган вақт ичида 40 нафар банк ходими сўроқ қилинди.

Суд банк раҳбариятини айбдор эмас, деб топди. Жиноятчи эса суддан озод қилиб, китоб чиқариб, бу кўзбўямачиликдан банкнинг барча раҳбарлари хабардор бўлишган, деган гапни айтган эди.

Интернет хабарлари асосида Хулқар Гаффорова тайёрлади.

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ САМАРА БЕРМОҚДА

Айни пайтда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, жорий йилнинг Баркамол авлод йили, деб номланишининг ўзидек соҳада муайян вазифалар ижросига қаратилган саъй-ҳаракатларга тўртки берди, жонлангирди. Аммо оёқда ҳаётимизга тобора хавф солиб бораётган шундай хасталиклар борки, бу бедаво дардлардан янада хушёр бўлишимиз зарур.

На сарҳад, на миллат танламайдиган ОИТС касаллиги ўзининг бедаволими билан бутун жаҳонни ташвишта солмоқда. Бу бедаво дард билан оғриган инсонларнинг вафот этаётганини, оилалар инқирозга юз тутаяётганини, касалликни юқитишга тушқунликка тушган, ҳаётдан умидини узган инсонлар ҳам борлигини эшитиб ўйга толасиз. Айниқса, бу хасталик билан бегуноҳ болаларнинг ҳам касаланаётгани ачинарли ҳолдир. Бугун дунё олимлари "аср вабоси"нинг олдини олиш учун вакцина ишлаб чиқариш муаммоси билан машғул. Маҳалла кўй, тиббиёт соҳаси мутахассислари кейинги пайтда бу хасталикнинг хунук оқибатлари ҳақида тинмай оғохлантиришмоқда. Шунга қарамай баъзи инсонларнинг кўр-кўрона хатти-ҳаракатидан афсусланасиз.

Касални даволашдан кўра олдини олган маъқул дейишди. Бу хасталикнинг идизини қуритиш, олдини олиш учун оғохлантиришнинг ўзи камлик қилади, назаримизда. Шунинг учун айни пайтда бу хасталикка қарши курашишда тарғибот-ташвиқот ишлари, маҳалалар билан ўрнатилган ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Фуқаролар йиғинларида тез-тез ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, давра сўхбатлари, тадбирлар аҳолининг ОИТС касаллиги ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлиши, кўпроқ маълумот олишида кўл келмоқда. Жойларда ОИВ/ОИТСнинг тарқалишига сабаб бўладиган ҳамда турмуш-тарзимида гуфти келмайдиган ҳолатларни баргараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Жорий йилнинг 8 ойи давомида вилоятдаги барча туманларда "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими бошқаруви, Камолот ЕИҲ вилоят бўлими кенгаши, ОИТС маркази, наркологиya диспансери ҳамкорлигида аҳоли билан жами 521 марта учрашув ўтказилди. Учрашуларда 27 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди. Айни пайтда кўпгина юрдошларимиз хорижга саёхатга, ишлаш ва ўқишга бориш имконига эга. Шу боис ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларда хорижга чиқиб кетаётган ва қайтиб

келган фуқаролар рўйхатга олинган, соҳа мутахассислари иштирокида улар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Жорий йилнинг июль-август ойлари ҳолатига кўра 596 нафар фуқаро чет элга кетиш олдидан, 3752 нафар фуқаро хориждан қайтиб келгандан сўнг маҳалла фуқаролари йиғинлари посбонсардорлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари кўмаги билан тиббий кўрикдан ўтказилди.

ОИВ/ОИТС хасталигининг олдини олишда ҳудудлардаги оилавий поликлиника шифокор ва ҳамширалари, қолаверса, психологлар ҳам катта ёрдам бермоқда. Улар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳудудга доимий ёки вақтинча яшаш учун келган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари билан бу хасталикка доир текширувдан ўтишининг ихтиёрий ва конфиденциаллиги ҳамда аҳамияти ҳақида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари жорий йилнинг июнь ойида "Наманган" меҳмонхонасида ОИВ касаллигининг олдини олиш мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Июль ойида вилоятда бўлиб ўтган ўқув-семинарда Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Косонсой, Янгиқўрғон туманлари маҳаллалари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилардан 42 нафар "ОИВ инфекцияси ва унинг олдини олиш" мавзусида 12 соатлик машғулотларда иштирок этдилар.

Аҳоли саломатлигини мустақамлаш устувор вазифалардан. Шу боис ҳар биримиз ОИВ/ОИТС касаллиги ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлишимиз, маҳаллаларда, олий ўқув юрларида, мактаб, коллеж, лицейларда тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйишимиз зарур. Зеро, "аср вабоси", деб ном олган бу бедаво хасталик бегуноҳ инсонлар ҳаётига сира хавф солмасин.



Хунарманг Нигора Илёсова бир неча йиллардан буён бешикарга ёпишчиқ тикшиш билан шуғулланиб келади. Чорсу бозорининг хунарманглар растаси қисмида Илёсовларнинг оилавий дўконлари бор. Бу хонадонда эркаклар бешик ясаш билан шуғулланса, аёллар эса бешикарга ёпишчиқ тикшишади. Улар ясаётган широйли ва бежирим бешикарлар шахримизнинг турли жойларидан ўз харидорини топтомоқда.

АЖАБ САОДАТ ЭРУР...


Чеккалари ислимий нақшлар билан зийнатланган лаганининг ўртасига миниатюра санъати анъаналарига мувофиқ эски иморат ва икки дарвоза тасвири туширилган. Ёғочдан бўрттириб ишланган бу санъат асари ёрқин рангли, шарқона безаклари билан кишини ҳайратга солади. Иморатнинг бир эшигидан чиқиб, иккинчи эшиги томон илгариланган карвон, иморат тепасидаги улкан китоб, унинг ҳавода учаяётган етти саҳифаси тасвири бир қарашда жунгина маънони ифодалятгандек. Тасвир теграсига Алишер Навоийнинг:

*Бу гулшан ичраки йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса, яхшилик бирла от.*

мисралари зарҳал ҳарфлар ила битилган. Дарҳақиқат, инсон икки дарвоза — туғилиш ва ўлим орасида умр кечириди. Ҳаёт китобидан учаяётган саҳифалар — ҳафта кунлари, иморатнинг эскигили эса боқий дунёга, карвон — дунёга келиб-кетувчи одамларга ишора... Инсоннинг маънавий камолотида нафис санъат асарларининг аҳамияти беқиёс. Бундай гўзал ҳамда нодир асарлар миниатюра ва миллий нақшошлик устаси, Республика "Хунарманг" уюшмаси аъзоси Зокиржон Ҳакимовнинг ижодида алоҳида ўрин тутди. 3.Ҳакимовнинг ижодини кузатсангиз, кўҳна тарих сир-синаоатлари келажак орзу-истаклари ила уйғунлашганига шохид бўласиз. Ижодкорнинг ҳар бир асари унинг қадим

санъатнинг анъаналари, нозикликларини пухта ўзлаштиргани, бой тафаккурга эга эканини кўрсатиб туради. Бундай асарлар яратиш учун эса ижодкорга фақат қобилиятнинг ўзи камлик қилади.

— Мен Зангиота туманининг «Ўратепа» маҳалласида туғилганман, — дейди 3.Ҳакимов. — Санъатнинг бу турига қизиқишим ҳам айнан маҳалладан бошланган. Болалигимда тоғам Фахридин Раҳматуллаев терига расм чизардимлар. У кишининг иш жараёнини кузатиб, тайёр бўлган ижод маҳсулларидан қаттиқ таъсирланардим. Кейинчалик тоғамнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқ кўрсатишлари туфайли шун ҳолати танадим. Айни дамда касбим ҳаётимнинг мазмунига айланган.



Зокир аканинг асарлари орасида мумтоз миниатюра анъаналари асосидаги тасвирлар билан безатилган кутичалар, ёноқ лаганлар кўп. Наққошнинг айтишича, бу ишда сабр-бардош сув ва ҳаводай зарур. Толаси зич дарахтлар — ёноқ, чорқон каби хомашдан тайёрланадиган лаганларни ясаш учун ёноқлар тайёр ҳолга келгунча усти ёноқ, сершабада жойда кампада етти-саккиз йил қуритилиши керак. Тўғри, замонавий қуритиш ускуналарида бу жафадан жуда қисқа муддатда бажарилади. Аммо уста табиий усулда қуритилган ёғочнинг сифатини афзал кўради. Қутичаларни тайёрлашнинг ҳам бир неча мураккаб босқичлари бўлиб, уларни қунт, ихло, меҳр билан адо этиш талаб этилади.

Наққошликнинг ўзига хос нақш турлари бетакорлиги, гўзаллиги, нафислиги билан бири биридан фарқ қилади. Масалан, ислимий нақшлар ўсимлик ва гуллар тасвирига асосланса, гирех нақш турлари ҳандасавий шакллар муҳим ўрин тутди. Паргорий, гулли гирех каби нақш турлари ҳам ўзининг нафислиги, нозик жилоси билан ажиб гўзалликка ошно элади. Наққошлиқда ушбу нақш услубларини пухта ўзлаштириш билан бира ижодкордан нозик дид эгаси бўлиш ҳам талаб этилади. Наққошнинг муваффақияти яратилаётган буюм ҳажмига нақшларнинг қай даражада мос тушишига, ранглари танафайлишига ҳам боғлиқ. Икки мумтоз санъат — миниатюра ва наққошликнинг ўз ижодида уйғунлаштири билан 3.Ҳакимов янгидан янги фоялар, дэталар топиб, бу кўҳна санъатнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Инсоннинг эстетик дидини чарқлайдиган, кўнгиларни гўзалликка ошно этадиган, миллий хунарманчиликнинг бир бўлаги — миниатюра санъати ва наққошликни ривожлантириш, ёшларнинг шу соҳага бўлган қизиқиш ва қобилиятларини рўёбога чиқаришни ўз олдига мақсад қилган қаҳрамонимизнинг миллийлигимиз ақ этган асарлари маънавиятимизни бойитишга хизмат қилмоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Дилором МУБОРАКОВА,
"Маҳалла" жамғармаси Наманган вилоят бўлими бош мутахассиси.

Одобнома

МАЪНАВИЙ МУҲИТ — УСТУВОР МЕЗОН

Қўшимизнинг ўғли Анварнинг нафақат билим эгаллаши, балки ота-онасига қарашиши, оиласига наф келтиришга интилишини кўриб ҳавасим келади. Истеъдодини рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаб борилса, ундан келгусида эл-юрт қорига ярайдиган етук мутахассис чиқиси аниқ. Бироқ тирикчилик таъшиларидан ортмаган ота-она боланинг ўқишига бепарво.

— Ўқинишни ҳечам сусайтирмагин, яхши билим эгаллаб борсанг, келгусида зўр мутахассис бўлиб етишсан, — дедим бир куни унинг руҳини кўтариш ниятида.

— Бунинг иложи йўқ, мен оилада катта фарзандман, пул топиб, ота-онамга тиргак бўлишим керак, укаларимни оёққа турғизишда ота-онамга қарашмасам бўлмайди, — деди у сўзини кайфиятда.

Шундан билдимки, жигарбандининг эзгу орзу ва улкан мақсадларга эришишига мадад бўлолмаган ота-она мурғак гўдакнинг гўзал ниятларини дилига тутиб, келажак сари илдам қадам босишига ҳам йўл бермас экан.

Халқимизда азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралган. Бу борада оила муҳити бирламчи омил сифатида баҳоланган. Соғлом оила муҳитида фарзанд келажакка қайғуриш билан бирга унинг беғубор орзу ва истаклари асраб-авайланган. Рўзгорнинг кам-кўсти билан боғлиқ муҳокамалар фарзандлар ногоҳю кулгидан нарироқда галлашилган. Токи боланинг қалби озорланмасин, руҳи чўкмасин. Ота-она фарзанд назарида улкан тоғ, юксак қоя. Ана шу қояга ҳеч қачон дарз етмасин. Бир-бирига ўзаро ҳурмат ва меҳр устувор бўлган оилада камолга етган фарзанд хонадондаги

нийят» фарзандларимиз онгига таҳдид сололмайдми. Оила маънавияти телевизор қаршида мультфильм томоша қилаётган кичик ёшдаги фарзанднинг ахлоқий тубанлик ва зўравонлик акс эттирилган тасвирини кўришига, бузқўллик тарғиб этилган сайтларда адашиб юришига имкон бермайди. Чинакам тарбияда фарзандлар илм-ҳунар эгаллаш, тўғрақларга қатнашиш, спорт билан шуғулланиш ва уй ишларига қарашидан ортмайди, беъмани ва номақбул ишлар билан шуғулланмайди. Ҳамма иллат бекорчилик, лоқайдлик ва эътиборсизлик оқибатида келиб чиқади. Ота-боболаримиз фарзанд тарбиясида бир сония бўлса-да тўхтаб қолиш кечикишга сабаб бўлишини таъкидлайдилар.

Халқимизда «Экканингни ўрасан», деган ҳаётий тажрибага асосланган ибора бор. Бунинг мазмуни шундаки, болага гўдакликдан меҳр қўзғаб келган, таълим тарбияда адашмаган ота-она эрта-индин ана шу меҳнатларининг роҳатини кўриши аниқ. Ота-боболаримизнинг фарзанд тарбиясига ёндашувларини ўрганишимиз нафақат ўзимизга, балки жамиятга ҳам катта наф келтиради.

Болани ҳақдан ташқари талтайтириш ёхуд унга нисбатан ўта даражада қаттиққўл бўлиш ҳам мумкин эмас. Тарбияда мувозаанатни тўғри тутта билиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Кўпчилик тарбияда қаттиққўллик кутилган самарани беради, деб ўйлайди. Бироқ ҳаёт ҳақиқати бунинг тўлиқ оқламайди. Баъзи ҳолларда бу усул акс таъсир кўрсатиб, кутилмаган на-

тижаларни келтириб чиқаради. Мисол учун мактабда ўқитганида оилавий шароитга кўра икки хил муҳитда улаётган дугоналаримдан бирининг отаси ўта қаҳрли, болалари ундан зир титраб қўрқар, бу хонадонда ҳатто онанинг ҳам мавқен йўқ эди. Иккинчи дугонамиз эса отаси билан бирмунча эркин гаплашар ва ўз фикрларини бидира оларди. У бир кунни отасидан синфдошимизнинг туғилган кунига боришга рухсат сўраганида отаси шундай деди: «Онангдан ҳам сўраб кўргин, қизим, майли, деса борасан, фақат кечикмасдан кел». Биринчи дугонамга эса бирор жойга боришга умуман рухсат беришмасди.


Вақти келиб отаси билан дўст каби гаплаша оладиган қиз олий ўқув юртига тугатган оқ фотиҳа олиб янги хонадон оstonасига қадам қўйди. Не ажабки, қаҳри қаттиқ отанинг қизи оиласини иснодга қолдириб кетди. Ота ҳалигача уни кечирмаган, ҳатто онасига ҳам қизи билан борди-келди қилишни таъкидлаган.

Фан-техника тараққиёти юксак даражага кўтарилган бизнинг даврда ҳам ота-боболаримиздан мерос бўлиб келётган фарзанд тарбияси борасида келиб бой ва бебаҳо анъаналар, азалий қадриятларнинг аҳамияти ошса ошадими, асло қамаймайди. Гўзал ахлоқ мезонлари устувор бўлган хонадонда камолга етган фарзандлар эса ота-она, маҳалла-қўй, жамият ва мамлакатнинг мустақкам таянчи ва суянчига айланаверади.

Феруза ЭГАМОВА, «Mahalla» мухбири.

Мушоҳада

ЯХШИ ЭРНИНГ ОНАСИ...



«Турмуш ўртоғим яхши-ю қайнанам ёмон...». Баъзи келинларнинг бундай нолишларини кўпчилигимиз эшитганмиз. Ҳақиқатан ҳам яхши эрнинг онаси ёмонлигига баъзан ишонамиз ҳам. Аммо ҳеч мулоҳаза қилиб кўрганмисиз: Яхши эрнинг онаси нега ёмон бўларкан?!

— Қайнанамдан алоҳида яшаймиз. Ҳар замонда кўргани борамиз. Аммо шундай ҳеч беғим тортмайди. Боргим келмайди.

— Билмадим, аммо мен ҳеч яхши кўролмадим. Уғлини меҳдан қизганимизга-ей. Бирга борсақ, турмуш ўртоғимни оддидан жидиргиси келмайди.

— Ахир, турмуш ўртоғингиз онаси учун, барибир, ҳалиям бола кўринади, уни соғинади-да... Хўп, қайнанамизни ҳушамас экансиз, аммо эрингизнинг-чи, у кишининг онасидек эғтирмайсизми?

— Эрим яхши, у кишидан нолисам нонқўрлик бўлади. Ичмади, чекмади, уриб-сўкмади. Топганини уйга ташийди. Озгина инжиқлигини, қаттиққўллигини айтмас...

— Эрингизнинг салбий томонларидан турмуш ўртоғингиз бўлгани учун ҳам кўз юмасиз-да, а?... — Қайнанамизнинг ҳам салбий томонларидан кўз юмиб қўя қолинг, демоқчисиз-да. Йўқ. Қайнанамиздан кўз юмомайман. Инжиқ, қаттиққўл. Ҳамма нарсанинг жой-жойида бўлишини хоҳлайди. «Жудай» хасис. Ҳатто овқатта картошкани санаб солади. Кийимни силаб-сиплаб, авайлаб кияди.

— Лекин бу уринишлари унинг ёмонлигини билдирмайди. Бунинг хасислик ҳам деб бўлмайди. Мана, қайнанамизнинг ёмон, депмисиз. Лекин у киши, қилган бирор ишингиз ёқмас, баъзи қайнанамаларга ўхшаб ўғлига айтиб урдирадим, ораларингизга совуқлик соладим?

— Йўқ, ўғлига айтиб урдирмайдию, аммо ёқмаган ишмни қайтадан ўзи қилади...

— Мен, барибир, кўнгли чигилини ёзаётган ҳамсуҳбатим, яхши кўшни келинга булар қайнанам ёмон, дейишга асос бўлолмаганини ўқитролмадим.

Аммо, келин таърифлаганидек, эрнинг тежамкорлиги, ҳатто фарзандларини ўйлаб

тушлик қилмасдан улар учун нарса кўтариб келиши, меҳрибонлиги ўша «ёмон» қайнанамиздан ўтган эмасмикан? Агар она жиззакчи, уришқоқ, иззатталаб бўлганида ўғли мўмин-қобил бўлмасди. Демак, ўғлининг ичмаслиги, чекмаслиги, хотинини уриб-сўкмаслиги ўшанинг яхшилиги, яхши тарбия бергани натижаси эмасми?

Баъзида келинлардан яна шундай оғринишларни эшитиб қоламиз: «Эрим онасининг чизган чизғидан чиқмайди. Онасини жонидан ортиқ яхши кўради. Онаси касал бўлиб қолса борми, ўзини кўярга жой тополмайди». Ахир ўғли онасининг хурматини жойига қўйса яхши-ку?! Чунки онани бошига кўтарган эркак хотинининг ҳам кўнглига қарайди. Чунки ўша она ўғлини аёлларга нисбатан ҳурмат ҳиссида тарбиялаган-да.

«Негадир қайнанамизнинг кўр-кўрона ёмонлашга ўрганиб қолганмиз, — дейди тахририятта йўлаган мактубида бир аёл. — Мен ҳам янги келинликимда овсинларимнинг гапига кириб, қайнанамнинг дилини кўп орғитганман. Иккала овсиним қайнанамдан доимо нолигани учунми, мен ҳам у кишининг ҳар бир ҳатти-ҳаракатидан ёмонлик қилганман. Йиллар ўтди. Энг кенжа қайним уйлангач, биз шахарга кўчиб кетдик. Қайнанамдан алоҳида яшай бошлагач, тақдир бизни жуда кўп синади. Болалар ёш, улар билан неча марта гап калхонада ётишга тўғри келди. Бу қийинчиликлар асабларимни чарчатиб ўзим ҳам анча пайтгача ётиб қолдим. Унинг устига ҳўжайимининг иши ҳеч юришмади. Аммо эримнинг бирор марта тушқунликка тушганини ёки

икир-чикирлар учун мен билан жанжаллашганини, баъзи бир эркаларга ўхшаб касаллигимни юзимга солганини эслолмайман. Эримнинг соддалигини, бағрикенглигини, беғуборлигини кўриб, агар қайнанам ёмон бўлганида тарбиялаган фарзанди шундай яхши инсон бўлармиди, деб ўйлайман. Турмуш ўртоғим нима топса болаларига, менга иилиниши ҳам қайнанамни эслатади. Чунки қачон қилмоқчи бўрмайлик, қайнанам биз учун узумми, сариғими илларди. Эрим ҳеч қачон нега бу овқатни қилмадики ёки мен бу овқатни ейман, демайди. У кишининг бу томони ҳам қайнанамни эслатади. Чунки шунча йилдан бери қайнанамнинг овқатга инжиқлик қилганини, овқат танлаганини кўрмаганман. Қийналган кунларимизда эрим доим менга бориб шуқр қилайлик, ҳаммаси яхши бўлади, дерди. Қайнанам ҳам худди шундай: «Уғиллари қазо-казо жойларда ишласа-да, менга уни олиб бер, мен мана бу қўйлакни киймоқчиман, демайди. Қаноатни мен шу оиладан — қайнанамдан, турмуш ўртоғимдан ўргандим. Ҳозир қайнанамнинг хурматини жойига қўйишга ҳаракат қиламан. Шунда турмуш ўртоғим ошкор раҳмат айтмасда, менга кўпроқ меҳр кўрсатишга ҳаракат қилади. Англаганим шу бўлдики, қайнанам яхши бўлгани учун ҳам эрим ёмон одам эмас экан».

Ана энди юқоридagi икки воқеадан ўзингиз ҳулоса чиқариб олаверинг. Унутманг, яхши эрнинг онаси ҳеч қачон ёмон бўлмайди. Агар қайнанамиз ростидан ҳам сиз айтгандек ёмон бўлганда эди, эрим яхши, деб турмуш ўртоғингиздан фахрланиб юрмаган бўлардингиз. Шундайми?!

Б.БОТИРОВА

Комиссиялар фаолиятдан

ОИЛА ТОТУВЛИГИ ЭНГ ШИРИН НЕЪМАТ

Муҳаббат одатдагидек, ишини эрталаб Зухранинг ҳолидан хабар олишдан бошлади: «Аҳволи яхшимикан, яқинда оёғи операция бўлиб касалхонадан чиққанди». У шу хаёллар билан етиб келганини ҳам сезмай қолди. Дарвоза очиб, Ҳовлига киргач, ҳайрон бўлди. Ҳаммаёқ жимжит. Болаларнинг овози ҳам эшитилмасди. Зухра ётган хонага кираркан, у билан ҳол-аҳвол сўрашди. «Анча ўзини олдириб қўйибди, негадир келин кўринмайди?», хаёлидан ўтди унинг.

— Зухра, Дилноза қани, набираларинг ҳам кўринмайди?

— Ҳа, — деди хўрсиниш билан Зухра, — уйига кетиб қолди. Набираларимни соғиндим.

Муҳаббат бу воқеанинг сабабини батафсил сўраб олди. Маълум бўлишича, набираларининг бири касал бўлиб қолибди. Оиладаги вақтинчалик молиявий тақчиллик туфайли қайнатаси келинига ўзинг ҳам касал бўлувдигини, энди болани ота-онанг давлатсин, қабилида гапирди.

Муҳаббат шу кунгича кечки пайт қўшни маҳаллада яшайдиган Дилнозанинг ота-онасиникига борди. Анча гап-сўз ва мунозаралардан сўнг узумоққа чоғланган оила ришталари яна маҳкамланди.

Юқоридagi воқеа маҳалла маслаҳатчиси, Яраштириш комиссияси раисининг ўринбосари Муҳаббат Ҳайдарованинг қўндалик иш фаолиятдан бир лавҳа, ҳолос.

Тошкент вилояти Чиноз тумани марказидаги «Афрон» маҳалласи шахар маҳаллалари орасида ўзининг орасталиги, маҳалла аҳлининг аҳли-иноқлиги, ишбилармон тадбиркорлари, усталарининг кўпчилиги билан ажралиб туради. Маҳалла фуқаролар йиғини қўшидаги Яраштириш комиссияси аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ, 2500 нафар аҳоли истиқомат қиладиган бу маҳаллада 320 та хонадон бор.

— Яраштириш комиссиясида, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматжон Маҳмудов, — 9 на-

фар фаол иш олиб боради. Улар оилавий муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериб келишмоқда. Комиссияга шу йилнинг ўтган даври мобайнида 4 та ариза тушди. Шулардан 3 таси комиссия низомида белгиланган тартиб-қоидаларга биноан жойида ҳал қилинди.

Ҳа, бу борада комиссия аъзоларининг, айниқса, маслаҳатчи Муҳаббат Ҳайдарованинг ҳиссаси катта бўлмоқда. У маҳаллада истиқомат қилладиган одамларни яхши билади. Касби ўқитувчи, ҳар бир оиладаги ёшларни ҳам танийди. У кенг қамровли фаолияти давомида оилавий масалаларни ҳал этишдан ташқари, турли муаммоларни ҳам бартараф этади.

— Маҳалламиздаги Тошматовлар хонадонда уй-жой жанжали бўлди, — дейди М.Ҳайдарова. — Хуллас, ака-укалар жоғариси судга борди. Марҳум оталари уй-жойни иккинчи ўғли Иззатга ваъсият қилиб қолдиргани боис ухаси Асад ўйдан кўчиб кетиб, бир қанча вақт ижарада яшагач мажбур бўлди. Ҳозирги шароитда бола-чақали оила ижарада яшаганини ўзи бўладими? Қисқаси, биз бу жанжалга четда қараб турмадик, албатта. Фаолларимиз билан бир неча бор ака-укани ўртга олиб гаплашдик. Улар аризаларини суддан қайтариб олишди. Ҳозир ака-укалар тинч-тову, бир хонадонда аҳлиноқ яшаётганларидан хурсандимиз.

Ҳа, тинчлик-хотиржамликка не етсин!

Ҳабиба ШЕРОВА, «Mahalla» мухбири.



Мирзо Улуғбек туманидаги 2-сонли болалар муסיқа ва санъат мактабига 200 дан ортиқ ўқувчи еттишга йўналиш бўйича тахсил олмақда. Уларга 41 нафар малакали устозлар муסיқа ва санъат сирларини ўргатишмоқда. СУРАТДА: Г.Абдураҳимова шогирди И.Гагаулина билан.

Сиз нима дейсиз?

СОВЧИЛИККА КИМЛАР БОРГАНИ МАЪҚУЛ?

— Опамнинг ўғлига қиз топиш учун роса маҳаллаларни айландиқ,— деб қолди бир кун автобусда хангоматалаб аёллардан бири. — Шу десангиз, бир неча хонадонга кириб чикдик, аммо ҳеч бири жиянимга ёқмади.

Совчиликнинг ўзига хос қонун-қоидаси бор. Энг аввало, уларнинг оддида фақат қиз овлаш эмас, балки икки ёшнинг бир-бирига қай даражада маъқул тулишини аниқлашдек мушкул вазифа туради. Ахир ҳақиқатнинг аччиқ-чучуғини тотмаган ёшлар ташқи кўринишданок бир-бирини яхши билиб ололмайдилар-ку?! Совчининг вазифаси қизнинг фақатгина ўзи эмас, унинг оила-аъзоларини суриштириш, оёдан ўрганишдан иборат эмасми? Шу ўринда савол туғилади: янги ҳаёт оstonасида турган икки ёшнинг узоқ ва бахтли турмуш қуриши, никоҳи мустаҳкам бўлиши учун совчиликка кимлар боргани маъқул?

— Тошкентда совчиликка азал-азалдан асосан аёллар боришади,— дейди кекса онахон Нафиса ая. — Дастлаб, қўни-қўшинлардан қизнинг ота-онаси суриштирилади. Бироқ

кейинги пайтларда кўпни кўрган отахон онахонлар урнинг йигитнинг онаси, аммаси, холаси совчилик қилиб қизнинг хонадонига тўппа-тўғри кириб бораверади. Ҳатто бир вақтинг ўзида бир маҳалладан 3-4 та хонадонга қиз қидириб кириб борадиганлар ҳам бор. Энг ачинарлиси, қиз билан йигитни бир марта учраштириб тўйга розилик берилганда. Биринчи учрашувдаёқ бир-бирини яхши билиб ололмаган ёшлар оқибатда ҳеч қанча яшамасдан ажрашиб кетади. Бундай тушунмовчилик маҳаллама-маҳалла юриб қиз излашдан, ўртга тушган совчиликнинг катта тажриба ва малакага эга бўлмаганидан, оилалар турмуш шароитини яхши ўрганилмаганидан келиб чиқади. Шундай совчилар борки, улар бош-қош бўлган тўй ўзгача фазил бўлиб ўтади. Ўзим ҳам фарзандларимнинг оила қуришларида

кўпни кўрган совчилар кўмагидан фойдаланганман. Шунинг учунми, фарзандларимнинг онаси мустаҳкам, ўзларидан тиниб-тинич кетишган.

Ҳақиқатан ҳам онахон айтганидек, совчиликка ким боришининг икки ёш тақдирда аҳамияти жуда катта. Чунки совчиликка ҳар доим бориб юрган одам қайси маҳаллада қандай қиз бор ва у қандай оилга мос келиши, шунингдек, бу оилада келинга қандай муносабатда бўлишини яхши билади.

— Бир пайтлар қишлоғимизда бўй этган қизларга, албатта, кўпни кўрган, обрў-эътиборли, ҳаётни яхши тушунган, турмушда ҳамма нарсаси бадаштир эркалар совчиликка борарди,— дейди самарқандлик онахон Ҳамида ая. — Йигитнинг ота-онаси мизга келин қилмоқчимиз, сиз нима дейсиз?», деб маслаҳат сўрашган. Мамалан, бизнинг маҳалламизда совчиликка доимо ўқитувчи қўшимиз борарди. Бир кун тоғам: «Фалончининг қизини ўғлимизга сўраб боржикчимиз», деганида қўшимиз ўйла-

ниб турдилар-да, ҳазил араалаш: «Ўғлингиз қишлоқнинг учига чиққан безориси бўлса, у қиз жудаям ювош, ўғлингизга шаддодроқ қизни олиб бермасаларинг қўйилмайди-ё», деди. Лекин тоғам ўз билганидан қолмай, ўша ювошгига қизни ўғлига олиб берди. Аммо уларнинг турмуши узоққа чўзилмади, қизининг роса қийналганини кўргач ота-онаси уни қайтариб олиб кетишди. Тавбасига таянган тоғам шундан сўнг бошқа фарзандларини уйлантираётганда ўқитувчи қўшимиз билан ба-маслаҳат иш қиладиган бўлди.

— Кузатувларимиздан шу нарса маълум бўлдики, совчиликка келадиганлар кўпича қизни кўча бошида яшайдиган тўғри келган хонадондан суриштиришади. Бу хонадонда яшайдиган одам ўша оила ҳақида ҳолис фикр бидирса-ку, яхши. Аммо ақли бўлса-чи? — дейди Чилонзор тумани Лутфий номдаги маҳалланинг оқсоқоли Рихсибой ака Қари-мов. — Биз ана шундай англашловчиликлар бўлмаслиги учун қизни сўраб келган хонадонлар ҳақида иложи борича ўзимиз маълумот бера-

миз. Чунки қизларимизнинг бахтли бўлишини истаймиз. Маҳалламизга совчилар келиб кетишгач, унаштирилмасдан олдин йигитнинг ота-онаси ва қизнинг оиласидagiлари билан суҳбатлар уюштирамиз. Ана ўша суҳбат, танишув жараёнида икки оила бир-бирини яхшироқ билишадди. Қай даражада бир-бирига мос эканлигини англашади. Баъзида совчилар ишни пишийтиб кетишган бўлса-да, ҳар икки томон бир-бири билан суҳбатлашгач, танишгач, ўзларининг бир-бирига тўғри келмасликларини очиб-ойдин тан олганлари ҳам бор орамизда. Агар шу ҳолат тўйдан кейин юз берса-чи?

Демак, ёшларнинг тақдирининг тажрибаси, маҳорати қай даражада бўлишига, холис ёки нохолислигига ҳам боғлиқ экан-да? Ҳар қандай ҳолатда ҳам икки ёшнинг тақдирини боғлашдек масъулиятли юмушни кўпни кўрган, ёши улў кишилар бажаргани маъқул. Совчиликка бориш — жуда катта масъулият савоб иш эканини доимо ёдда тутмоқ даркор. Барно СУЛТОНОВА, «Mahalla» мухбири.

“Mahalla” жавоб беради

ИШ ПАЙТИДА ЖАРОҲАТ ОЛСАНГИЗ

САВОЛ: — Қурилиш ташкилотда ишламан. Яқинда иш пайтида йиқилиб, жароҳат олганим оқибатида бир ой ишлаш олмадим. Айтинчи, бундай ҳолатда ташкилот қонун доирасида менга қандай кўмак бериши зарур?

Б.ИМОМОВ.
Бахмал тумани.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра киши бирор корхона, муассаса, ташкилотда фаолият юритса, меҳнатда майиб бўлганида ёки шикастланганида, шу жумладан, турмушда жароҳатланганда унга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

Меҳнат кодексининг 189-моддасига кўра ходимнинг иш берувчининг ҳуқуқидан ҳам, унинг ташқарисидан ҳам меҳнат жараёнида майиб бўлиши, шунингдек, иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки шидан қайтаётган вақтда шикастланиши оқибатида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар ҳисобланади.

СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

САВОЛ: — Яқинда тобим қочиб, шифохонага боргандим. Шифокорлар мени жароҳатлиқ столга ётқизишди, кўрчакчи олиб ташлашди. Лекин жароҳатлиқ ишлари пайтида қилинган укол оқибатида бир оёғимда оғриқ пайдо бўлди. Мутахассистга учрашсам, асаб томирига шикаст етган, деди. Икки ой даволадим. Бу орада соғлиғимни тиклаш учун анча маблағ сарфладим ва ишлаш олмадим. Айтинчи, менга етказилган зарарни қим қилайми?

И.УРИНОВ.
Фарғона шаҳри.

ЖАВОБ: — Сиз Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунига асосан тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғингизга етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлиқсиз.

Сиз ўзингиз оладиган ёки муайян равишда олинган мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақингизни, шунингдек, даволаш иш ва дори-дармонлар сотиб олишга қилинган харажатлар ўрнини қоплашни суд орқали талаб қилишнинг мумкин. Агарда хизмат кўрсатувчининг айби бўлса, сиз ўзингизга етказилган маънавий зарар қопланишини талаб қилишга ҳақлиқсиз.

Саволларга ҳуқуқшунос
Жаҳонгир АБДУРАИМОВ жавоб беради.

ИШОНЧНОМА ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

САВОЛ: — Ишончнома, унинг шакли, тасдиқлаш тартиби ҳақда маълумот берсангиз. Автомототранспорт воситаларини бошқариш, тасарруф этиш ҳақда ишончнома беришга қандай ҳолатлар меналик қилиши мумкин?

Фаррух ҲАМИДОВ.
Галлаорол тумани.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 134-моддасида қайд этилганда, “Бир шахс (ишонч бидирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакил) учинчи шахслар олдига вакилик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади”. Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади. Нотариал шакли талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан тегишли харажатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак (ФК 135-модда).

Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасидаги иш олиб боради. Ишончнома тузиш ва тасдиқлаш учун ишончли вакилнинг иштироки талаб этилмайди.

Ишончли вакил, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги (жумладан, ишончнома объекти ҳақидаги) маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолларда маълумотларнинг тўғрилigi учун маъмулик унинг зиммасига юкатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарори билан тасдиқланган “Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ автоматотранспорт воситалардан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳақидаги ишончномаларни нотариал тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий қонунга эга бўлган давлат белгисиз ДИЧБДА тайёрланган гербали бланкаларда амалга оширилади. 18 ёшга тулган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тулган шахсларга мотортранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Нотариуслар томонидан автоматотранспорт воситаларини тасарруф этиш ҳуқуқи билан берилган ишончномаларни тасдиқлаш автоматотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш таъқиқланмаганиги текширилгандан кейин амалга оширилади.

Тақий ҳа хатлов йўқлиги ҳақидаги маълумот 5 кун муддатта амал қилади.

Ишончнома кўпи билан 3 йил муддатта берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб 1 йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

**Азда ДЎСТОВА,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси.**

МУҲОКАМА ЖАРАЁНИДАГИ ВАКОЛАТ (Учинчи мақола)

Бу галги мақоламизни газетхонлардан тушган бир саволга жавоб беришдан бошласак. Савол мазмуни шуки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 241-моддаси “Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш” дея номланиб, унга кўра муайян жиноят ҳақида хабар бермаган ёки яширган фуқаро ҳақли равишда жавобгарликка тортилади. Ҳакамлик судининг муҳокама жараёнида жиноий ёки маъмурий иш кўзга тушириш ваколатига эга эмаслиги мазкур нормага зид келмайдими?

Ҳакамлик суди, агар тарафлар бошқача келишмаган бўлса, низои ёпиқ мажлисда кўриб чиқади, бунда махфийлик принципи амал қилинади. Шу боис ҳам ҳакамлик муҳокамаси жараёнида суд жиноий ёки маъмурий иш кўзга тушириш ваколатли эмас. Фикримизни янада соддалаштириб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасига кўра ушбу суд **фуқаролик ҳуқуқий** муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи **хўжалик** низоларини ҳал этади. Демакки, ҳакамлик судида махфийлик ушбу суд ваколати доирасига **таваллуқли ишларни** кўриб чиқишигагина таъбиқ этилади. Агарда иш ҳолатлари бўйича бирор бир жиноят аломатлари аниқлан-

лик муҳокамаси давомида тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ маълумот олинса, ҳакамлик муҳокамаси (ёки унинг алоҳида қисми) тутатилмади ва судья томонидан тегишли органга ажрим шаклида эмас, балки ёзма равишда хабар қилинади.

Қайд этиш керакки, ҳакамлик муҳокамада махфийлигини рўқча қилиб, жиноят ҳақида хабар бермаслик нафақат ҳакамлик суди судьяси, балки муҳокамада иштирок этаётган бошқа тарафнинг ҳам жиноий жазодан озод қилинишига асос бўлмайди.

Ҳакамлик судининг ижро этиш тартиби ҳақида ҳам атрофича тўхталиб ўтиш керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори илтифатли ижро этилмаса, мажбурий равишда ижрога қаратилади. Яъни ҳакамлик муҳокамасида ютиб чиққан томон қарздор ишайдиган жойдаги, агар яшаш жойи ёки юридик манзили номаълум бўлса, унинг мол-мулки жойлашган ҳудуддаги фуқаролик ёки хўжалик судига (иш тоифасига қараб) ариза беради. Аризани ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусخаси, ҳакамлик битими нусхаси, энг кам иш ҳақининг икки баробари миқ-

нинг ўтган саккиз ойи давомида ЎзҲСА Тошкент шаҳар филиали ҳузурдаги доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларига жами 2 млрд, 760 млн. сўмлик 338 та даъво аризаси келиб тушди. Буларнинг 77 таси фуқаровий ҳуқуқий муносабатдан келиб чиққан низоларга тааллуқли бўлса, 101 таси шартномаларнинг бажарилишига боғлиқ, қолган 106 таси бошқа турдаги келишимовчиликларга оид низолардир. Ҳозирга қадар 229 та (1 млрд, 760 млн. сўмлик) даъво аризалари кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Кўриб чиқилган даъво аризаларнинг 148 таси (1 млрд, 540 млн. сўмлик) қаноатлантирилган бўлса, 18 таси (1 млрд, 240 млн. сўмлик) рад этилди. Шунингдек, 929,6 млн. сўмлик 63 та даъво ариза “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуннинг 44-моддаси тартибда тутатилди.

Ҳакамлик суди — янги, нодавлат ҳуқуқий институт. У энди-энди шаклланиш палласига кирмоқда. Тажрибалардан келиб чиқиб, фаолиятини тартибга солувчи қонуналар тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Икромжон МАРДАНОВ,
ҳуқуқшунос.

Ҳуқуқий луғат

ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ МАЪНОСИ БОР

Мансабдор шахс — ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва маъмул мансабдор шахс аломатларига эга бўлган шахс.

Маъсул мансабдор шахс —

- 1) ҳокимият вакиллари;
- 2) давлат корхонаси, муассасаси ва ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий-бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга харажатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;
- 3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;
- 4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.

Ҳокимият вакили — давлатнинг бирор бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган харажатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.



СУРАТДА: олтириқлик боғдон Абдумалик Исоқов.
М.Қодиров (ЎЗА) олган сурат.

Ҳушёр бўлинг!

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН...

Халқимизда шундай ҳикमत бор: “Ўзини асрагани Узи асрайди”. Шундай экан, уйдими, ишдими, қаерда бўлмайлик, албатта, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этиши лозим.

Тўғри, бу каби даъватнамо гапларни кўп эшитгансиз. Шунинг учун ҳам, эҳтимом, унинг тақрири андек эриш туюлар. Бироқ қуйидаги рақамларга диққат қилинг: жорий йилнинг ўтган даврида пойтахтимизда жами 1048 та ёнгин содир бўлди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 14,2 фоизга камайган. Аммо шу воқеалар оқибатида 36 нафар ҳаётимиз турли даражада тан жароҳати олгани, 23 нафар фуқаро эса (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоизга камайган бўлса-да!) ҳаётдан кўз юмганини таъкидласак, балки ёнгин оқибатларини янада теранроқ ҳис этарсиз? Инсон саломат бўлса, ёнгин оқибатида кўрилган зарарлар (бу 581932 сўмни ташкил этади, аввалги йилга қараганда 89,4 фоизга кам) ўрни қоплаиб кетиши аниқ, Аммо бу жараёнда йўқотилган асаблар, руҳий зуриқтиш оқибатида бой берилган саломаатини нима билан тўлдириб бўлади?.. Ёнгин балосининг яна бир хавфли томони шунда!..

Бундай хавфнинг олдини олиш сизу биздан катта куч талаб этмайди. Бор-йўри уйларида носоз электр ва газ иситиш мосламавларидан фойдаланиш, болаларни ёлғиз қолдириш оқибатида уларнинг гутурга ва бошқа ёнгин чиқишига олиб келувчи жиҳозларни уйнашига имконият қолдирмаслик керак. Шунингдек, оловдан фойдаланишда эҳтиётсизликка, турли идора ва ташкилотларда битта электр ўлچаш бир неча кучли қувватга эга бўлган жиҳозларни улашга йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда... Қўринадик, ёнгин хавфининг олдини олиш у даражада мураккаб иш эмас. Бунинг учун ҳушёрлик ва ҳафсага керак, холос.

**Муминжон АВАЗМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ катта инспектори,
капитан.**

НАФС ДОМИГА ТУШГАН АЁЛ НАЙРАНГИ

Нафиса (исми ўзгартирилган) бир хонадонни гуллатгудек аёл эди. Эри мебель цехида ишлар, топиш-тутиши яхши, рўзғори нолигудек эмасди. Аммо нима жин урдию, у бошқача яшашни хоҳлаб қолди. Аслида-ку, ҳар ким ҳам муносиб турмуш кечиришга ҳақли. Аммо топилаётган бойлик, мол-дунё зинҳор-базинҳор ўзгалар ҳақи, кўзёши эвазига қўлга киритилмаслиги, ҳаром йўл билан йиғилмаслиги лозим. Шундай эмасми?..

Аммо қаноатни унутган аёл эрининг топиш-тутишидан қоникмай қолди. Айниқса, таниш-нотаниш аёлларнинг зебу зарга ўраниб юрганини кўрганида ичидан қиринди ўтиб, ўзини шундай эсантириб қўймагани учун эридан нафратланидиган бўлди. Натيجида оиладаги муҳит бузилиди. Уйда эрнинг гапи гап бўлмай қолди. Кунда-кунора ношуддан олиб анқовча солинавганидан беизилаб қолган эри ҳам аламини ичкиликдан оладиган бўлди. Ана шу ноҳуш одат унинг ишдан бўшатилишига сабаб бўлди. Қисқаси, оладан фэйз кўтарилди.

Бу орада Нафиса катта бизнесга бел боғлади. Қариндош-уруғлардан қарз кўтариб, Жиззах шаҳридаги буюм бозорига кўплар қатори савдо билан шуғулланиб юрди. Бошланғич ёмон бўлмади. Кундалик савдо ҳажми ортиб, қўли пул қўрган аёлнинг феълида ҳам шунга яраша ўзгаришлар кўзатилди. Оилада усталарни ўз қўлига олган хотин эрини буткул менсимай қўйди. Ўртада болаларга қийин бўлди. Уларни холалариникига кўчириб ўтказишди. Икки норасида ота-она меҳридан бебаҳра қолди...

Бозорда ҳикमत кўп. Бу серғалва, сермашақат ишнинг улдасидан чиққангина даромад топади. Аммо унинг бешафқат қонунари ҳам борки, улар билан ҳисоблашмаган одамнинг иши тескари кетиши ҳеч гап эмас. Ҳали

етирич тажриба тўлаб улгурмаган Нафиса бир-икки ўйламай қўйган қадами тўғри келди касога учради. Бозорнинг кучли зарбига дош бера олмаган аёл бор-йўридан ажради. Сопувага қўйган буюмлари етмаганидек, йиққан-тергани ҳам қўлдан кетди. Бу орада хеш-ақраболар қарзни қис-таб кела бошлашди.

Нима қилмоқ керак? Ана шу саво теграсида мулоҳаза юритишга уринган аёл ўзича пул топишининг осон йўлини излади. Ва... топгандек бўлди.

— Қизим, яхшимисан? Мен онангинг дутонаси бўламан. Сенга музқаймоқ, шоколад олиб келдим. Ма, олақол. Зирагинг чиройли эканми, бил қўрсам майлими?

Бундай қўли очик, саҳий аёлга, бунинг устига ойисининг дутонасига зирақчани кўрсатмаса бўлмайди. Қизалоқ аёл қўлидаги ширинликлардан қўз узмай қўлоғидаги зирақчасини бир зумда ечиб берди. Нафиса иш хамирдан қил суғургандек осон битганидан хурсанд бўлиб:

— Мен ҳозир келаман, — деганида жуфтаникни ростлаб қолди...

Ҳа, чиндан ҳам Нафиса бойлик орттиришининг тубан йўлига ўтиб олганди. У мактаб яқинига келиб, ўтган-қайтган қизалоқларнинг қўлоғига разм солар, тилла зирақ таққанларини

гидан айрилганига иқроп бўлган уй бекаси эса алам билан қолаверди...

Буям Нафиса “фаолият”дан бир шингил, холос. Қолбуки, фирибгар аёлнинг адовига учган юртдошларимиз оз эмас.

Нияти бузуқ одамда муқаддас нарсанинг ўзи бўлмас экан. Нафисанинг бир гал отаси “бетоб” бўлади, бир гал боласи “ўлим тўшаги”да ётади. Хуллас, у кишиларнинг раҳмини келтириш, ишончига кириш учун пулга муҳтожлигини, қимматбаҳо тақинчоқларини сотишга “мажбур”лигини изохлаб турли баҳоналар йўлаб толарди. Қўлга киритилган буюмларини эса таниш тиллафурушларга сотиб юборарди...

— Сингилжон, отам ўлим тўшагида ётибди, дори олишим керак, пулга муҳтож бўлиб қолдим. Мана шу тилла санжирни нархидан арзон бўлса ҳам сотишга мажбурман. Бир кўринг...

Содда ва ишонувчан уй бекаси занжирни у ёқ, бу ёқда товлаб кўрди. Мана, ранги тиник, салмоғи ҳам оз эмас. Бироқ уйдагиларга кўрсатиб чиқиши, маслаҳатлашиб олиши лозим. Шу мақсадда уйига кирмоқчи бўлганида Нафиса тўхтади:

— Йўқ, бунақаси кетмайди. Гаров учун сирғангизими, узгингизини, бериб кетмасангиз бўлмайди, сингилжон. Тушунинг, ахир бу занжирнинг оғирлиги салкам юз грамм-а...

Уй бекаси шошилиб узугини ечиб берди ва ҳовлига кириб кетди. Шундай қўлай вазиятни кутиб турган Нафиса йўлининг нариги бетига чопиб ўтиб, машина тўхтади ва унга ўтирганича кўздан гойиб бўлди. Тақинчоқнинг сохталигини билган ва уз-

**Н.ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Матбуот маркази бош инспектори.**

БОКС: ИБРАГИМОВ ФАЛАБА ҚОЗОНДИ

Американинг Панама шаҳрида профессионал бокс бўйича ўтказилган навбатдаги мусобақада ўзбекистонлик Темур Ибрагимов ўта оғир вазнда маҳаллий боксчи Луис Андрес Пинедини мағлуб этди.



Ҳамюртимизнинг ушбу фалабаси уни WBA йўналишидаги кучли боксчиларнинг ўлиқ рўйхатига киритди. Мусобақа якунидан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида Т. Ибрагимов журналистларнинг саволларига жавоб бериб, "2011 йилги мусобақалардан умидим катта. Насиб этса, бўлгун жажон боксда ном чи-

қарган Дэвид Хэм ва ака-ука Кличколар билан рингда кўришиб, жонажон Ватаним Ўзбекистон номини дунё бўйлаб улуғлашни режалаштирмакдман. Бунинг учун солигим ҳам, имкониятим ҳам етарли", дея таъкидлаган.

КАРАТЭ: ЭНГ КУЧЛИ ВА МАҲОРАТЛИ СПОРТЧИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида каратэ бўйича ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли қатнашишди.

Америка, Туркманистон, Туркия, Озарбайжон ва Ўзбекистон вакиллари қатнашган халқаро турнирда 14-15 ёшли каратэчилар орасида самарқандлик Саидисломхон Абдуллаев ҳеч бир рақибига имконият қолдирмай, олтин медалга мушарраф бўлган бўлса, 20-24 ёшли спортчилар ўртасидаги мусобақаларда фарғоналик Отабек Қожиматов Оснэ ва жажон чемпионлари билан тенг курашиб, бронза медалини қўлга киритди.



Халқаро турнир якунида ҳамюртимиз Отабек Қожима-

тов мусобақанинг энг кучли ва маҳоратли спортчиси, дея эътироф этилди. Туркияда зафар қўчган мамлакатимиз каратэчилари энди 9-10 октябрь кунлари Киевда ўтказилган халқаро турнирда қатнашади.

ТЕННИС: ҲАМЮРТИМИЗ "CHINA OPEN"ДА

Шу кунларда Хитойнинг Пекин шаҳрида мукофот жамғармаси 2,1 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган «China Open» халқаро турнири давом этмоқда.



Жажон теннис рейтингинда 44-ўринни эгаллаб келаётган ўзбекистонлик Денис Истомин мазкур мусобақада мамлакатимиз байроғи остида Пекин кортларида бош соврин учун дунёнинг кучли ракетка усталари билан беллашади. Айтиш жоизки, халқаро теннис оламида нуфузли мусобақалардан бири бўлган мазкур турнирнинг асосий баҳсларида ҳали ҳеч бир ўзбекистонлик спорт-

чи қатнашмаган эди. Истоминнинг мусобақа асосий сеткисидан жой олиши "China Open"да илк бор ўзбек теннис мактаби тарбияланувчисини совриндорлар сафига яқинлаштирди. Мусобақа фолиби 10 октябрда аниқланади. **Тўлақон РЎЗИЕВ.**


Менинг маҳаллам БУ ГЎШАДА ТОНГ ФУСУНКОР ОТАДИ

Ҳали тонг отиб улгурмаган. Туннинг қора пардаси борлиқи тарк этгиси келмаётгандай атрофни чулған. Уфқ аста-секин ёришиб келаётган бир палла. Маҳалланинг қайсидир хонадониди ҳўролар қичқирғи яна бир тонг, яна бир нурафшон кун келаятганидан дарак беради.

Маҳалламиз шундоққина Норин дарёсининг ёнида жойлашган бўлиб, сувнинг шовулаши кўнгалга ўзгача ором бахш этади. Шундай дамларда маҳалламиз гўзаллигини таърифлашга тил ожиз. Айниқса, тонг кўёшининг чиқиши, сув юзига тушган заррин нура-

аҳди авваллари оддий "хаваскор гулчи", деб билишарди. Тиниб-тиничмайдиған онахон кичикки-на ховлисидиғи гулларини парвариллаб, йилдан-йилга хиляни кўпайтирди. Ҳозир дамлар билан яшнаб турган ҳовлига кирсангиз, бу ерда бегония, кактус, атиргулини кўлаб турини учратасиз. Бунинг қарангичи, хавас тадбиркорликка айланди. Онахон катта ўғли Рустамжон билан "Гулар" дўконини очди. Ҳозир ишлари яхши. Топган дармадларидан оилада хотиржамлик, тўкинлик барқарор. Рисолат ая набираларига ҳам гулчилик сирларини ўргатиб келмоқда.

Шундай инсонларнинг ташаббуси бошқаларни ҳам яратувчанликка ундайди. Улар бир томондан, инсонлар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотса, иккинчи томондан, тадбиркорлик орқали элга хизмат қилиш-



нинг балқиси киши қалбида табиатнинг мафтункорлиғига яна бир қарра ишонч уйғотади. Ибн Сино номидаги бу маскан Наманган вилояти Учқўрғон туманининг энг гўзал, бетақдор гўшаларидан бири ҳисобланади.

Маҳалламиз ўзининг илм-маърифати, ўқимлиги, зиёли инсонлари билан донг таратган. Улар туман, вилоят марказидан тортиб, то Тошкентгача турли зиё масканларида фаолият юртишади. Бу замин одамлари меҳнатсевар, танги; шу билан бирга бироз қайсар ҳам. Айни пайтда маҳалламизда ўз ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ердаги оилалар иноқлигининг боиси нурунийларнинг ёшларга ўз таърибисини ўргатиши ва панд насиҳатини аямаслигида. Маҳалла фуқаролар йиғини ва фаоллар бешчилигида тўй-ҳашамлар, маъракалари илҳам, тартибли ўтказиш йўлга қўйилган. Хусусан, кейинги йилларда тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлиғи ошган. Рисолат опани маҳалламиз

га чорлайдилар. Биргина шу оиладан ўрнатилган кичкина томорқадан унумли фойдаланаётган оилалар сони талайгина.

Маҳалламизда касаначилик ҳам кенг қулоч ёйган. Бир сўз билан айтганда, ҳудудимиз аҳоли ўзаро ҳамжиҳатлик, тадбиркорлик билан яшашни ўз олдига мақсад қилган ва шу йўлда меҳнат қилишяпти. Маҳалламиз туман марказида жойлашгани боис аҳоли, айниқса, ёшлар учун кенг қамровли имкониятлар яратилган. Жумладан, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган бир неча коллеж ҳамда водийда ягона саналган махсус ихтисослашган санъат мактаби ёшлар ихтиёрида.

Мана шундай гўзал, азиз гўшамда тонг ҳамшира фусункор отади, дарёлари шовулаб туради. Дарҳақларининг илҳизми билан қувавтар. Инсонларнинг орзулари, умидлари бисёр. Фарзандлари эртанги кун ишончи билан яшамоқдалар.

Шовира ТЎХТАБОЕВА,
Наманган вилояти Учқўрғон тумани Ибн Сино номидаги маҳалла фуқароси.

Пазанда уй бекаси ПШЭЗ ДЎЛМА

Уй бекалари қарам, булғор қамлашри ва ток барпи дўмаларини тайёрлашни яхши билишади. Азимо ўзбек милоди таомлари орасида дўманинг кўнчиликлари мазлум бўлмаган яна бир тури борки, у ҳам ўзининг хуш таъми, тайёрлаш усули билан ажралиб туради. Бу пшэз дўмасидир. Дўмани тайёрлаш учун пшэзнинг қамин қатан шомғосимон нави танчанани ва банди кесимию, 10-15 минут қайноқ сувга солиб қўйилади. Ажрадан пшэз «қосачаларига қўйиб солинади.

Қийма қўйилганига тайёрланади. Ёрироқ гушт, гуштқиймадан ўтказилган, пшэзнинг ишлатилмай қолган қисми майда тўраб қўйилади ва унга сомонга усула тўралган жигар, бир дона тўхум, туз ва мурчи қўшиб араштирилади. Тайёр бўлган қийма пшэз «қосачаларига солинади. Тўхум қўшилгани учун қийма «қосачалардан оқиб кетмайди.

Пиширишда кастрюлькага тўбига жойлаштирилган микропача абава қаттароқ сўнг қичқирок пшэз дўмалар устима-уст териб чиқилади. Пшэз дўмалар орасига сариеғ ва томат пастаси солинади, таом янада лаззатли бўлади. Масаланинг юзи баробар сув қўйиб, ўртача оловда 40-45 дақиқа пиширилади. Тайёр таом микропачаларда қўқатлар билан безатиб дастурхонга тортилади.

Керакли масалиқлар, ўртача катталикдаги 10 бош пшэз, 400 г. лаҳм гушт, 300 г. жигар, 1 дона тўхум, 150 г. сариеғ, 2 ош қошиқ томат пастаси, таъба кура туз ва мурчи. Шаҳина БОНУ тайёрлади.

Маҳалламиз чемпионлари БЕЛЛАШУВДА ДОИМ ЕТАКЧИ

Ёшлигида ўртоқлари билан кураш тушиб катта бўлган Элмуродни маҳалладошлари келажакда чемпион бўлишига ишонарди. Чунки, отаси Маҳмаирам Соатов ҳам ўз даврининг кураги ерга тегмаган полвони эди. Шу боис Маҳмаирам ака турт ўғли қаторида ўртанчаси Элмуроднинг курашга қизиқишини кўриб, уни бошқа касб эгаси бўлишга ундамади. Аксинча, ўзи Фузур туманидаги 76-сон спорт интернатига олиб бориб, спорт билан шуғулланишига имкон яратиб берди...



Бугун Қашқадарёнинг фахрланса арзигулик бу ўғлони ўзбек кураши бўйича бир неча бор мамлакат чемпиони, миллий курашнинг сирту синопталарини эгаллаган маҳоратли спортчилардан бири бўлиб етишди. Айни кунларда у Халқ таълим ва

ган миллий курашнинг давом эттириб, ўзбек ўғлонларининг жасоратини очиб майдонда намён этишни қатъий мақсад қилиб қўйган. Эзгу мақсад уни Қарши давлат университети жисмоний маданият факультетига олиб келди. У ўқиш давомида Президентимизнинг кўрсатмалари асосида жорий этилган уч босқичли спорт ўйинларининг муҳим бўлини ҳисобланган талаба-ёшлар ўртасида ўтказилаётган «Универсиада» спорт ўйинларида мунтазам иштирок этиб, 2003 йили Нукусда ўтган мусобақаларда 1-ўринни, 2007 йили Тошкентда ташкил этилган ўйинларнинг кураш мусобақасида 3-ўринни қўлга киритди. 2002 — 2003 йилларда Тошкентда олиё ўқув юрталари ўртасида ўтказилган мусобақада 2-ўринни эгаллаган бўлса, 2008 йил Самарқанддаги халқаро турнирда 81 кг. вазнда унга тенг келадиган рақиб топилмади. Эндликда у отаси Маҳмаирам Соатов, мураббийлари Норматхат Жалилов, Бобоқу Сафаров, Олим Ҳайитовдан олган ўғитларини, сабоқларини юзлаб шоғирларига ўргатиб, уларнинг роилиблигини эгаллашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

— Маҳалламизда ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол ёшларнинг кўпаяётгани истиқлолнинг ёшларга бераётган кенг имкониятлари натижасидан далолатдир, — дейди Қашқадарё вилояти Қамаш тумани Гагарин қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Абдумўмин Жалилов. — Айниқса, юртимизда жажон талабалари даражасидаги спорт иншоотлари, стадионларнинг барпо этилгани ва бу масканларга таърибали мураббийларнинг жалб қилиниб, ёшларга спорт сирларидан сабоқ бераётгани фарзандларимиз камолотини таъминлайпти. Шу сабабли, чекка маҳаллаларда, овулларда ҳам дунёни лол қолдираётган, Ўзбекистон байроғини дунё спорт майдонларида баланд кўтараётган, Ватан шаънини улуғлаётган спортчилар етишиб чиқяпти. Маҳалламизда вояга етган Элмурод Соатов ҳам шундай ёшларимиздан бири. Бугунги кунда маҳалламиздан унинг юзлаб издошлари етишиб чиқди. Албатта, уларнинг муваффақиятида Элмуроднинг муносиб ҳиссаси бор.

Дарҳақиқат, ёрқин уфқлар сари одимлаётган ёшлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Мамлакатимизда болалар спортга берилётган эътибор натижасида гимнастика, шахмат, кураш, бокс, теннис каби спорт турларида жажон майдонда ўз шижоати билан фарзандларимизнинг ҳеч қандаш кам эмаслигини исботлаётган ёшларимиз борлиғи ва уларнинг Элмурод Соатовдек навқирон мураббийлари фаолият кўрсатаётгани эътиборлидир. Эртага бу ёш мураббийнинг шоғирлари олимпиада майдонларида зафар қучиб, юрт довурини оламга ёйса ажабмас. Қолаверса, бугун мамлакат маҳалла тизимида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирининг бош мақсади ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.

Нягора ИМОМНАЗАРОВА,
"Mahalla" мухбири.

ОБУНА — 2011

МАҲАЛЛА — КАДРИЯТЛАР МАСКАНИ. "Mahalla" — СЕВИМЛИ ГАЗЕТА. ЭЗГУ НИЯТ ВА ПОК ИСТАКЛАРГА ҲАМРОҲ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ, НАШРИМИЗГА ОБУНА БУЛИНГ!

Mahalla
Нашр кўрсаткичи — 148.

"Mahalla" шифохонаси ТАМАКИ ТАРКИБИДАГИ ЗАҲАРЛАР

Тамаки чекишининг зарари ҳақида жуда кўп гапирилади, ёзилади, аммо шунга қарамай, сайёрамизда чекувчилар сони анчагина. Статистик маълумотларга қараганда, жажонда ҳар йили 5 миллионга яқин киши айнан тамаки чекиш оқибатида ҳаётдан кўз юмаркан. Қашандаларнинг 30-40 фоизи сурункали ўпка хасталигидан азият чекишади.

Чекиш оқибатида ўпканинг юрак билан боғлиқ қисмида хавфли ўсма пайдо бўларкан. Чекувчиларнинг эътиборсизлиги оқибатида юзага келадиган ёнгилардан ҳар йили ер юзиди 2 миллион нафарга яқин киши ҳалок бўлади. Айтиш жоизки, тамаки чекувчи тарқатаётган тугун аτροφлагиларнинг саломатлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тамакининг таркибида қуйидаги моддалар мавжуд:

- ацетон (адегидлар гуруҳига кирувчи, лакни эритувчи сувоқлик);
- сирка кислотаси;
- амонмак (йўлак ва бошқа жойларни тозалашда қўлланиладиган восита);
- арсени (заҳар тайёрланадиган модда);
- кадми (батарея, аккумулятор учун ишлатиладиган сувоқлик);
- бутан (маҳсус мослаштирилган транспорт воситалари ёқилғиси учун ишлатиладиган сувоқлик);
- ДДТ (дизельден, зараркунанда ҳашаротларни нобуд қилиш учун қўлланилади);
- утар (автомобиллар моторидан чиқувчи газ);
- газ (бир неча турдаги);
- формолин (чумоли ааддидининг 40 фоизли эритмаси);
- метанол (метил спирти);
- нафталин (қуяга қарши қўлланидиган восита);
- никотин (наркотик модда);
- фенол (дизинфекант);
- толуол (санаятда кенг қўлланивчи унсурларни эритувчи восита).

Бир ўйлаб кўринг, шунча газ ва заҳарли моддалар киши организмга қанчадан-қанча зарар етказиши. Тамаки ав-